
Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аҳолининг турли қатламлари орасида юқумли ва соматик касалликларни камайтириш ва республикада эпидемиологик ва экологик барқарорликни таъминлаш барча тиббиёт Олий ўкув юртларида, жумладан Тошкент Тиббиёт Академиясининг тиббий-профилактика факультетида тайёрланаётган мутахассисларнинг савияси, билими ва маҳоратига боғлиқ. Шу сабабли барча мутахассислик кафедраларида ўқув, ўқув-услубий ишларни қайтадан кўриб чиқиб, ўқитишининг янги педагогик технологиясини ўқитишининг коммуникацион информацион технологиясини ўқув жараёнига тадбиқ этишни, педагог ходимларнинг малакасини узлуксиз ошириш талаб қиласди.

Назорат саволлари:

1. *Тиббий профилактика иши, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?*
2. *Давлат санитария назоратининг мазмуни ва мақсади нималардан иборат?*
3. *ДСНинг вазифалари нималардан иборат?.*
4. *ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни тўғрисида умумий маълумот беринг.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни, (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
2. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.

**2-мавзу: ЎзРда Санитария эпидемиология хизмати структураси.
Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолияти ва уни
малакали кадрлар билан таъминланиш масалалари**

Режа:

1. Санитария эпидемиология хизмати структураси, мутахассислар ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари.
2. ЎзР ВМнинг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори

Таянч иборалар:

санитария-эпидемиология хизмати, чекловчи тадбирлар (карантин), юқумли ва паразитар касалликлар, санитария-эпидемиологик вазият, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар, инсоннинг яшаш муҳити

**2.1. Санитария эпидемиология хизмати структураси,
мутахассислар ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари.**

Тарихга назар соладиган бўлсак, санитария эпидемиология хизматининг асосий муассасаси – санитария эпидемиология станцияси биринчи бўлиб 1891йилда Москвада гигиенист – олим Ф.Ф. Эрисман томонидан ташкил этилган. Ушбу станциянинг асосий вазифаси Москва ва унинг атрофидаги ҳудудларда эпидемиологик вазиятни ўрганиш бўлган.

Санитария ташкилотларини ташкил қилиш ўтган асрнинг 19-20-йилларида, яъни ҳалқ хўжалиги вайронага учраган ва фуқаролар уруши даврида бошланган. Бу йиллар аҳолининг турмуш даражасининг ёмонлашганлиги ва шу сабабли аҳолининг касалланиши ва ўлим даражасининг ошганлиги билан таърифланади. 1922 йилда Россия Федерациясининг Халқ комиссарлари Совети "Республика санитария ташкилотлари ҳақида"ги декретини тайёрлаган бўлиб, санитария ташкилотларининг таркиби ўша даврга нисбатан жуда уникал таркибга эга бўлган ва шакллантирилган. 1923 йилда СССР Халқ комиссарлари Советининг Давлат Санитария Инспекциясини яратиш ҳақидаги Қарори чиқкан. Бундай ташкилотнинг шу кунгача дунё миқёсида бўлмаганлигига қарамасдан, бир неча йил мобайнида СССР да санитария органлари тармоғи фаолият кўрсатабошлаган. Бу ташкилотларнинг асосий вазифалари аҳоли яшаш жойларини соғломлаштириш, аҳолининг умумий овқатланиш шароитини назорат қилиш, юқумли касалликларни олдини олишга доир профилактик тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлган. Санитария органларининг фаолияти аста-секинлик билан кенгайиб борган, назорат функциялари ортиб борган, ҳамда назоратларни ўтказиш ҳуқуки тўлиқ таъминланган. Натижада, 20-30-йилларга давомида Иттифоқда етарлича


кудратли марказлашган давлат муассасаси яратилган бўлиб, унинг асосий вазифаси ахолига энг мувофиқ яшаш шароитларини яратиш бўйича кенг кўламли соғломлаштириш ишларини амалга оширишдан иборат бўлган.

Яратилган санитария ташкилотлари ишининг ҳақиқийлиги тўғрисида қуидаги фактни келтириш мумкин. 1941-45- йиллардаги Улуғ Ватан уруши йиллари даврида мамлакатда биронта ҳам юқумли касалликларга доир эпидемия ёки юқумсиз касалликларнинг оммавий кўтарилиши қайд қилинмаган. 1939йилда Соғлиқни сақлаш томонида ”Санитария эпидемиология станцияси ҳақида Низом” тасдиқланган. 1939йилда Соғлиқни сақлаш томонида ”Санитария эпидемиология станцияси ҳақида Низом” тасдиқланган. Урушдан кейинги даврда санитария қонунчилиги янада такомиллашган, дифференциялашган, санитария органларининг алоҳида муаммолари ўзаро мувофиқлаштирилган бўлиб, уларнинг асосий звеноси ягона тармоқдаги туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва республика санитария-эпидемиология станциялари (СЭС) ҳисобланган, ҳамда бу ташкилотлар собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгунча фаолият кўрсатган.


СССР парчаланиб кетгандан сўнг, 1991 йилдан эътиборан собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил давлатларда Давлат Санитария муассасаларининг амалдаги таркиби тўлиқлигича сақланиб, кейинчалик уларнинг асосий вазифалари сақланиб қолган ҳолда, қайта ташкил қилиниш ҳолатлари, таркибий қисмларда айrim ўзгаришлар содир бўлабошлади.

ЎзР даги Давлат Санитария Назорати органларининг умуний таркиби.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги



Туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг тузилмаси



Санитария эпидемиология назоратининг асосий муассасаси ДСЭНМ ҳисобланиб, улар табақалаштирилмайди ва приватизация қилинмайди. Ўз функцияси бўйича ДСЭНМ фақат ўзидан юқори Давлат санитария назорати органларига, маъмурий йўналиш бўйича эса - Вазирлар Маҳкамасига (IIIдаражали), ҳокимият ва маҳаллий соғлиқни сақлаш ташкилотларига (II даражали ДСЭНМ) бўйсунади.

ДСЭНМ таркиби ва штатлари ўзининг даражасига мувофиқ ва ЎзР ССВ нинг маҳсус буйруқларига асосан белгиланади, аммо ДСЭНМ энг типик таркиби туман ДСЭНМ ҳисобланади.

ДСЭНМ ларнинг асосий вазифалари:

- 1.Огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратлари (ОСН ва ЖСН) қайси ташкилотга ёки хусусий шахсга тегишли эканлигидан қатъий назар назорат остида бўладиган ҳамма обьектларда ўтказилади.
- 2.Инсонларнинг яшаш мұхитларини (овқатланиш, сув таъминоти, меҳнат шароити, яшаш шароити, ўқитиш ва тарбиялаш шароитлари ва б.к.) яхшилаш бўйича санитар-гиgienик ва эпидемияларга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш.
- 3.Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни олдини олиш бўйича тадбирларни ўтказиш.
- 4.Аҳолининг радиацион хавфсизлигини таъминланишини назорат қилиш
- 5.Аҳолининг санитар маданиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзининг асосларини шакллантириш бўйича тадбирларнинг ўтказилишини назорат қилиш
- 6.Олий ва ўрта звенодаги мутахассисларни тайёрлаш учун (ўқув базаси сифатида) шароитларни яратиб бериш.

ОСН ва ЖСН ҳақида тушунчалар.

ОСН ва ЖСН ДСЭНМ энг асосий вазифалари ҳисобланади. Иккала ҳолда ҳам Давлат санитария назоратининг асосий вазифаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган санитария меъёрлари, қоидалари, регламентларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳисобланади, аммо ўзининг мазмуни бўйича ОСН ва ЖСН турличадир.

ОСН у ёки бу обьектни фойдаланишга топширишгача бўлган даврда ўтказиладиган назоратдан иборатдир. Мас., қурилиш соҳасида ОСН нинг вазифасига турли обьектларни лойиҳалаштириш ва қурилиши жараёнида гигиеник меъёрлар, қоидалар ва регламентларнинг бажарилишини назорат қиласи. Бу ҳолатда ОСН қуидагиларни ўз таркибига олади: қурилиш учун жой танлашда ДСЭНМ ходимлари қатнашади, қуриладиган обьектнинг лойиҳасини экспертизадан ўтказади, қурилишнинг кетишини ва уни

фойдаланишга топширишга қабул қилувчи комиссия таркибида иштирок этади. Бу босқичларнинг ҳар бири бажарилганда шунга мувофиқ хужжатлар расмийлаштирилади: ер жойни танлашдаги баённома, лойиҳани экспертизадан ўтказиб бўлингандаги хulosса баённомаси, объектни фойдаланишга топшириш ҳақидаги баённома.

ОСН озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-хўжалик буюмлари, полимер материаллар, асбоблар, мебеллар, санитар-техник жиҳозларини ишлаб чиқаришда ҳам зарурдир. Бундай ОСН лари асосида меъёрий-техник хужжатлар тайёрланади ва унда у ёки бу объектга бўлган гигиеник талаблар ўз ифодасини топиши керак.

Кундалик ёки ЖСН фаолият кўрсатадиган объектларда ўтказилади. Унинг вазифасига объектнинг фаолияти давомида гигиеник меъёрлар, қоидалар, регламентларнинг бажарилишини назорат қилишдир. Назорат қилиш режали, бир мақсадга йўналтирилган ёки назорат текширишлари кўринишида бўлиши мумкин. ЖСН қоида бўйича объектни фақатгина санитар кузатувчи ва тавсифлашдан иборат бўлмай, балки чиқариладиган хulosаларни асослаш учун лаборатория ва инструментал текширишларни ҳам ўз ичига олади.

Текширишдан ўтказиладиган объектнинг табиатига кўра ЖСН турлича бўлиши мумкин. Мас., агар корхонадаги ишчиларнинг меҳнат шароитларини текширишда асосий диққат-эътибор ишлаб чиқариш муҳитининг ишчилар организмига негатив таъсир этиши мумкинлиги ва шу муҳитни соғломлаштиришга доир тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилса, аҳолининг сув таъминотини назорат қилишда асосий эътибор сувнинг сифатини назорат қилиш ва аҳолини миқдор бўйича эҳтиёжи қандай қондирилаётганлигига қаратилади.

ЖСН нинг натижалари бир қатор хужжатларни расмийлаштириш билан якунланади: санитария текшируви далолатномаси (ф.315-у), санитария қоидаларининг бузилиши ҳақидаги баённома (ф.309-у), жавобгар шахсга жарима солиғи ҳақида қарор (ф.310-у), корхона фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги қарор (ф.306-у).

ЖСН режа-топшириқ асосида амалга оширилади ва бу режани тузишда назоратдаги регионнинг амалдаги санитария оид вазияти ва аҳолининг ёки унинг айрим гуруҳининг саломатлик ҳолати инобатга олинади.

ОСН ва ЖСН маҳаллий бошқарув органлари ходимлари, хуқук-тарғибот органлари, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”

тўғрисидаги 2015 йил 26 июндаги 170-сонли Қарори ҳамда “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни республикамизда санитария - эпидемиологик хизматни такомиллаштириш бўйича ислоҳатларни амалга ошириш учун дастуриламал бўлмоқда. Шунинг учун бизнинг республикамизда санитария-эпидемиология хизматининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги ҳисобига, Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган 31,5 миллиондан ортиқ аҳолининг санитар-гигиеник ва эпидемиологик барқарорлигини юқори даражада таъминланганлигини кўрсатади.

ЎзРнинг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасида **Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари** келтирилган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи:

санитария-эпидемиология хизматига раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;

атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-техник ҳужжатларни тасдиқлайди;

Профилактик эмлашларнинг миллий тақвимини ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўtkазиш тартибини тасдиқлайди;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишидан ҳудудларни санитария жихатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни мувофиқлаштириб боради;

атрофдагилар учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши хавфи бўлган тақдирда тегишли санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўtkазиш тўғрисида қарорлар чиқаради;

янги озиқ-овқат қўшимчаларини, маҳсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни, кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атири-упа ва пардоз маҳсулотларини токсикология-гигиена жихатидан баҳолаш асосида уларнинг Ўзбекистон

Республикасига олиб кирилиши ва ишлаб чиқарилиши учун рухсатномалар беради;

республика ва маҳаллий эпидемия фондларидан ҳамда санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар учун ажратиладиган моддий-техника ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир шикоятларни кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

11-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари:

ўз бўйсунувидаги санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига раҳбарлик қиласди;

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича хулосалар беради;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган, аҳолининг яшashi ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларининг кириб келиши ҳамда тарқалишидан тегишли ҳудудни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказади;

авария ҳолатларини ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар авж олишини бартараф этиш пайтида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширади, шу жумладан манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда амалга оширади;

қонун ҳужжатларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи билан келишган ҳолда туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

б) обьектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) белгиланган тартибда давлат органларига ва бошқа органларга, юридик ва жисмоний шахсларга:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари ҳамда обьектларни жойлаштириш бўйича истиқбол режалари, шунингдек корхоналарни, биноларни ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан;

қурилиш учун ер участкалари бериш, хўжалик ва майший мақсадларда сувдан фойдаланиш жойларини ҳамда оқова сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив моддаларни ва бошқа моддаларни утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш масалалари бўйича;

иншоотларнинг, турар жойларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда санитария-майший биноларнинг, шунингдек ускуналарнинг, транспорт воситаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида;

таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг ўқув юкламаси ва машғулотларининг намунавий тартиби тўғрисида тақдим этиладиган таклифлар бўйича хulosалар бериш;

г) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида юридик шахсларнинг ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг объектларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда кириш;

д) иш берувчилардан:

санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини, эпидемияга қарши тартибни мунтазам равишда бажармаётган ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар тарқалиши хавфини туғдирувчи шахсларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва бажариладиган ишларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишдан четлаштиришни;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш;

е) озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмлар, предметлар ва материалларни санитария-гигиена экспертизаси, лаборатория текширувлари учун олиш, бевосита объектларнинг ўзида зарур лаборатория ва жиҳозлар воситасида текширувлар ўтказиш;

ж) давлат санитария назоратини амалга оширишга вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мутахассисларини, шунингдек жамоатчилик вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш.

2.2.“Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Қарори

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тадбирлари изчил амалга оширилиши натижасида аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик базаси шакллантирилди. Қишлоқ врачлик пунктларидан тортиб республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олувчи аҳолига тиббий-профилактик ёрдам беришнинг яхлит ташкилий тузилмаси ташкил этилди.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларига, уларнинг ўринbosарларига, ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисида ва иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида қуйидаги хуқуқлар берилади:

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бермайдиган ер участкалари ажратиш, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтиришга доир лойихаолди ҳамда лойиха ҳужжатларини рад этиш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилишлари бартараф этилгунига қадар, ишлаб турган иншоотлардан, тураг жойлардан, ишлаб чиқариш объектларидан, маданий-маиший бинолардан фойдаланишини, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика, санаторий-курорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш, ускуналарни, асбобларни ишлатишни, транспорт воситаларидан фойдаланишини тақиқлаш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилган ҳолларда ахоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, реконструкция қилинишини ҳамда мазкур объектларда ишларнинг айrim турлари бажарилишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли деб топилган янги хом ашё турлари, кимёвий воситалар, технология ускуналари, жараёнлари ҳамда асбоблари, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат буюмлари, қурилиш материаллари, ионлаштирувчи нурланиш манбалари, биологик воситалар, озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда дори воситаларига ишлатиладиган идишлар, пластик, полимер материаллар ва бошқа материаллар, улардан тайёрланган буюмлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилишини, қўлланилишини ва реализация қилинишини тақиқлаш;

одамларнинг соғлиғига заарли таъсир пайдо бўлган тақдирда, хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш амалиётида, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда чорванинг ривожини тезлаштирувчи ва тартибга солувчи воситаларни, пестициidlар, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар, восита ва усуllарнинг, бу моддалар, восита ва усуllарнинг хавфсизлиги тўғрисида ишлаб чиқувчи илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар тақдим этгунига қадар, қўлланилишини тақиқлаш;

хўжалик ва ичимлик суви таъминоти учун қўллашга яроқсиз деб топилган сувдан фойдаланишини тақиқлаш;

юқумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга таклифлар киритиш;

фавқулодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ўн иш қунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар:

давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таъминланиши устидан белгиланган тартибда назорат олиб бориши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиши, уларни аниқлаши ва бартараф этиши;

аниқланган хавфлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиши;

юқумли касалликларнинг ва юқумли бўлмаган оммавий касалликларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши сабаблари ҳамда шартшароитларини аниқлаши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриши;

санитария-эпидемиологик вазият ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиши шарт.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида республикада алоҳида ўта хавфли юқумли касалликлар четдан кириб келишининг олди олинди, чақалоқларнинг полиомиелит, дифтерия, қизилча, қоқшол касалликлари қайд этилмаяпти. Болаларни режали эмлаш билан қамраб олиш 98,3 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат санитария-эпидемиология хизмати, шунингдек уларнинг худудий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари томонидан «**Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида**» ва «**Давлат санитария назорати тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талаблари тўлиқ ҳажмда бажарилиши таъминланмаяпти.

Раҳбарлик усулларини такомиллаштириш, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш, унинг моддий-техника базасини назорат қилиш ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашнинг аҳволи, шунингдек санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўсиб бораётган замонавий талабларга жавоб бермайди.

Санитария-эпидемиология назорати марказларининг моддий-техника базасини таҳлили маҳсус лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги 60 — 70 фоизни ташкил этишини кўрсатди.

Санитария-эпидемиология хизмати раҳбар кадрларини танлаш тизимида, биринчи навбатда уларнинг малакаси етарлича эмаслиги ва қўйиладиган талабларга номувофиқлиги билан боғлиқ жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд. Санитария-эпидемиология хизматининг врач кадрлар билан таъминланганлиги 84,4 фоизни ташкил этади. Врачлар умумий сонининг 45 фоизи малака тоифасига эга эмас, шу жумладан раҳбар ходимлар орасида ушбу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этади. Лавозим мавқеини суиистеъмол қилиш ва ўз касби билан боғлиқ вазифаларга совуқконлик билан қараш каби салбий ҳолатлар бартараф этилмаган.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш, санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш, бошқарувнинг илғор шакллари ва усулларини жорий этиш, юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрларни танлаш ва улар билан тўлиқ таъминлаш масалаларида давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

иш берувчилар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари билан 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга меҳнат шартномаси тузадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари 3 йилда бир марта даврийликда аттестациядан ўтишлари керак;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бош врачлари эгаллаб турган лавозимида муваффақиятли ишлашнинг беш йиллик муддати тамом бўлгандан кейин эгаллаб турган лавозимидан паст бўлмаган лавозимга янги иш жойига ўтказилиши керак. Ишда жиддий камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартли муддат сезиларли даражада қисқартирилиши мумкин;

давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари янги иш жойига ўтказилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат турар жойи ёки у ижарага олинганлиги учун компенсация тўлови билан таъминланадилар.

2. Қўйидагилар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари фаолиятининг энг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

республикада санитария-эпидемиологик аҳвол ва радиация ҳолати мониторингини олиб бориши, келгусида аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга, яшаш мухити омилларининг инсонга заарли таъсирини бартараф этишга, атмосфера ҳавоси, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сув таъминоти манбалари ифлосланишининг олдини олишга қаратилган комплекс санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, ўта ҳавфли юқумли касалликлар профилактикаси, уларнинг ўчоқларини бартараф этиш ва тарқалиб кетишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш;

бинолар ва иншоотларни, сув таъминоти, канализация, оқова сувларни тозалаш, гидротехника иншоотлари тизимларини ва бошқа обьектларни

лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилишда, хом ашёнинг янги турларини, озиқ-овқат махсулотлари, саноат буюмлари, қурилиш материаллари, ионлаштирувчи нурланиш манбалари, кимёвий моддалар, биология воситалари, тиббий ва иммунобиологик препаратларни ишлаб чиқариш ва қўллашда санитария нормалари, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

аҳоли пунктлари ва худудларни сақлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хўжалик-маиший чиқиндиларни, шу жумладан радиоактив ва зарарли моддаларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва утилизация қилиш устидан зарур санитария-эпидемиологик назоратни таъминлаш;

аварияли вазиятларни тугатишда санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг тегишли бўлинмаларини жалб этган ҳолда юқумли ва паразитар касалликларни аниқлаш;

оилада тиббий маданиятни ошириш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек санитария-эпидемиология масалаларида хотиржамликни таъминлаш бўйича аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш.

3. Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари раҳбар кадрларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва ротация қилиш бўйича Республика комиссиясининг таркиби (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси:

Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни ҳамда Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрларини танлаш, уларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини малакали, замонавий фикрлайдиган, юксак касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олган, етарлича бошқарув кўникмаси ва тажрибага эга бўлган кадрлар билан таъминласин.

4. Давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари лавозимларига тавсия этиладиган юкланган вазифалар ва мажбуриятларни самарали бажаришни таъминлашга қодир бўлган номзодлар танланиши бўйича шахсий масъулият Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология хизматининг бошқарув тузилмасини янада такомиллаштириш;

ўкув режалари ва дастурларни қайта кўриб чиқиш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг бошқарув кадрлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва модернизациялаш бўйича таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ушбу қарор талаблари ҳисобга олинган ҳолда «Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлиги тўғрисида»ги қонун лойихаси пухта ишланиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 апрелдаги 147-сон қарори билан тасдиқланган амалдаги Санитария қонунларини бузганлик учун жазо жарималаридан тушадиган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги **НИЗОМНИ** қайта кўриб чиқсин, бунда давлат санитария-эпидемиология хизмати органлари тизимининг раҳбар ва бошқарув кадрлари Республика комиссиясининг қарори билан янги иш жойига ўтказилганда хизмат турад жойи ёки у ижарага олинганлиги учун компенсация тўлови билан таъминланишини назарда тутсин;

Назорат саволлари:

1. Санитария эпидемиология хизмати структурасига таъриф беринг.
2. ДСЭНМ мутахассислари ва лавозимдаги шахсларнинг вазифалари нимадан иборат?
3. ОСН ва ЖСНга таъриф беринг
4. ОСН ва ЖСН вазифалари нимадан иборат?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Ахолининг санитария-эпидемиологик осоийшталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2015 йил 26 июндаги 170-сонли Қарори.
- 3.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
4. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005, 1-2 p

З-мавзу: Аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқаришнинг тамойиллари. ЖССТ бўйича саломатлик ҳолатининг таснифи.

Режа:

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлашдаги асосий тамойиллари
- 3.2. Соғлиқни саклаш тизимидағи конунлар
- 3.3. Касалланиш тушунчаси ва касалланишларни ўрганишнинг ахамиятлари.
- 3.4. Жисмоний ривожланишни ўрганиш.

Таянч иборалар:

Гигиеник меъёрлар, гигиеник коидалар, гигиеник регламентлар, СанКваМ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлашдаги асосий тамойиллар

- Соғлиқни саклаш соҳасида инсон хуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;
- соғлигини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;
- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

- Соғлиқни саклаш тизимидағи конунлар
- 1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 2. Давлат санитария назорати тўғрисида – 03.07.92й.
- 3. Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида – 29.08.96й.
- 4. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида – 25.04.97й.
- 5. Одамнинг иммун танқислиги вируси билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида – 19.08.99й.
- 6. Психиатрия ёрдами тўғрисида – 31.08.00й.
- 7. Аҳолини сил касалигидан муҳофаза қилиш тўғрисида – 11.05.01й.
- 8. Кон ва унинг таркибий кисмдаги донорлиги тўғрисида – 30.08.02й.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ислохоти қўйидаги меёрий ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори «Кишлок инфраструктураси ривожланиш тўғрисидаги дастур» 21.05.96й. №182

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги» конуни, 29.08.96й.

«Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 10.11.98г. №2107

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида» 23.02.03й.

«Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йуналишлари тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.09.07й.

Буйруқ № 402 «ОИТС га қарши ва силга қарши хизматларнинг ўзаро фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида» 22 январ 2014 йил; «Иммунтанқислик вируси (ВИЧ) келтириб чиқарувчи касалликларнинг тарқалишига қарши кураш тўғрисида» ги ЎзР Қонуни, 8 январ 2014 йил; Буйруқ № 225 «Болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматни такомиллаштириш чоралари тўғрисида», 26 июл 2013 йил; «Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш бўйича санитария қоидалари ва меъёрлари», 8 феврал 2013 йил Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг дорлзарб муаммолари. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг асосий йўналишлари

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимидағи айрим қонуний-меъёрий хужжатлар

«Она ва бола скрининги», №140, 1 апрел 1998 йил;

«Соғлом авлод», №46, 15 феврал 2000 йил;

«Она ва бола», №68, 5 феврал 2001 йил;

«Аёллар ва ўсиб келаётган авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича кўшимча тадбирлар тўғрисида», №32 25 феврал 2002 йил;

Соғлиқни сақлашнинг

Давлат тизими

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Тошкент шаҳри, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари.

Давлат тасарруфидаги даволаш-профилактик, диагностик ва санатория-курорт муассасалари.

Илмий-тадқиқот институтлари.

Соғлиқни сақлашнинг

Давлат тизими

Тиббиёт ва фармацевтика йўналишида ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув муассасалари.

Санитария-профилактика муассасалари.

Суд-тиббиёт экспертизаси муассасалари.

Тиббий препаратлар ва тиббий техника ишлаб чиқарувчи корхоналар.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа тизимлари

Хусусий тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар;

Хусусий корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан молиялаштирилувчи даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш 1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги № ПФ-2107 Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон соғлиқни сақлашнинг миллий моделини яратишнинг босқичма-босқич ёндошувини белгилаб берди.

Ислоҳотни ўтказишнинг асосий сабаблари:

Соғлиқни саклаш тизимининг самарадорлигини ошириш;

Молиялаштиришнинг күшимча манбаларини аниклаш;

Аҳолини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш;

Врач ва бемор ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

Ахолининг кексайиши, касалланиши таркибида ўзгаришлар содир бўлиши, янги тиббий технологияларни пайдо бўлиши, соғлиқни саклаш тизимида ҳаражатларни қўпайиши ва ҳакозолар билан боғлик бўлган муаммоларни ечиш.

Ислоҳотни ўтказишнинг асосий сабаблари:

Соғлиқни саклаш тизимининг самарадорлигини ошириш;

Молиялаштиришнинг күшимча манбаларини аниклаш;

Аҳолини сифатли тиббий ёрдам билан таъминлаш;

Врач ва бемор ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

Ахолининг кексайиши, касалланиши таркибида ўзгаришлар содир бўлиши, янги тиббий технологияларни пайдо бўлиши, соғлиқни саклаш тизимида ҳаражатларни қўпайиши ва ҳакозолар билан боғлик бўлган муаммоларни ечиш.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилишининг давлат дастури

Ислоҳотнинг мақсади:

Аҳоли соғлигини яхшилашга қаратилган тизимни яратиш, соғлом авлодни вояга етказиш учун қулай шароитларни шакллантириш.

Давлат дастурда қўйдаги вазифалар қўрсатилган

- *Соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилишининг босқичлари:*
- 1 босқич – 1998 – 2003 йиллар;
- 2 босқич 2003 – 2007 йиллар;
- 3 босқич 2007 – 2011 йиллар;
- 4 босқич 2011 - 2015 йиллар.
- Ислоҳотнинг биринчи босқичи:

Ислоҳотнинг иккинчи босқичи

Соғлиқни сақлашга ажратиладиган давлат бюджетидан самарали фойдаланиш ва соҳани молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиши чукурлаштириш;

Шошилинч тиббий ёрдам тизимини туманлар миқёсида ташкил этишни тугаллаш;

Туманлар миқёсидаги шошилинч тиббий ёрдам тизимининг бошқа даволаш-профилактика ва қайта тиклаш муассасалари билан алоқадорлигини таъминлаш;

Умумврачлик амалиётини шаҳарлар шароитидаги бошланғич тиббий ёрдамга жорий этиш;

Тиббиёт хизматлари доирасини кенгайтириш, нодавлат сектори ва хусусий даволовчи врачлар фаолияти сифатини яхшилашни давом эттириш.

Қүйдаги илмий марказлар ташкил килинсин:

Ижтимоий ақамиятга эга ва ўта хавфли касалликларга чалинган беморларга юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш;

1. Урология маркази.
2. Кўз микрохирургияси маркази.
3. Жарроҳлик маркази.
4. Кардиология маркази.

Ислоҳотнинг учинчи боскичи

Замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;

Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармогини янада ривожлантириш;

Диагностика хизматлари тармогини кенг ривожлантириш;

Аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизимини самарадорлигини ошириш;

Аёллар ва болалар соғлигини сақлашга қаратилган чора-тадбирларни янада ривожлантириш;

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

Хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Нукус ва Тошкентда, ҳар бир вилоят марказида пуллик асосида тиббий диагностика марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этиш;

Акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, фтизиатрия ва пульмонология, эндокринология марказларини ташкил этиш.

Молиялаштиришнинг янги усуллари қуйидаги ижобий жиҳатларга эга бўлди:
Бошланғич бўғин муассасаларини қолдик принципи бўйича молиялашига барҳам берилди;

Аҳоли жон боши ҳисобига бир хил ҳажмдаги молиялаштириш таъминланди;
Молиявий маблағларини вилоят даражасида мужассамланишига эришилди;

Бошланғич бўғин муассасаларини ўз вақтида молиялашга эришилди;

Аҳолининг жинси, таркиби ва зичлигига мувофиқ ҳолда маблағларни қайта тақсимлаш имконияти яратилди.

Бошланғич бўғинларида тиббий хизмат етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўрни аниқ белгиланди;

Бошланғич бўғин раҳбарларига фаолиятини молиялаш ва бошқариш ҳуқуқи берилди;

Тиббий хизмат сифати яхшиланди;

Тиббий ёрдам ҳажми ошди;

Беморларни касалхонага ётқизиш даражаси пасайди;

Бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тизими

Шошилинч кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам;

Бирламчи бўғинда, аввало қишлоқ жойларида кўрсатиладиган тиббий хизмат;

Бир неча турдаги юқумли касаликларга қарши аҳолини эмлаш ва иммунитет ҳосил қилиш;

Атрофдагиларга ҳавф туғдирувчи, ижтимоий аҳамиятли касалларга маҳсус тиббий ёрдам кўрсатиш;
Болаларни текшириш ва даволаш;
Имтиёзга эга тоифадаги беморларни даволаш.

Ислоҳотнинг 4 босқичи:
Аҳолига, айниқса қишлоқ жойларида БТСЁ кенг оммабоплигини ва юқори сифатини таъминлаш.

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказлар бошқарилишини тизимини такомиллаштириш.

Тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини ошириш.

Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини Миллий моделга хос равища такомиллаштириш.

Аҳолининг вирусли ва инфекцион касалларга нисбатан ҳимоясини кучайтириш, онкологик ва силга қарши муассасаларнинг моддий-техник базасини кучайтириш.

Хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти ва лицензиялашни такомиллаштириш.

Республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари:

Жарроҳлик

Урология

Кўз микрохирургияси

Кардиология

Акушерлик ва гинекология

Педиатрия

Терапия ва тиббий реабилитация

Дерматология ва венерология

Фтизиатрия ва пулмонология

Эндокринология

Касалланиш тушунчаси ва касалланишларни урганишининг аҳамиятлари.

Касалланиш деганда - аҳоли орасида ёки унинг айрим гурухлари ичидаги таркалган касалликлар тушунилади. Айрим минтакаларда ва маълум вакт оралигига касалланишларни урганиш Соғлиқни сақлаш муассасалари учун катта аҳамиятга эга.

Биринчидан: Касалланишлар аҳоли саломатлигини, унинг санитария холатини курсатувчи асосий курсаткичлардан бири хисобланади.

Иккинчидан: Касалланишлар Соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолиятини сифати ва самарасини курсатувчи асосий мезон хисобланади.

Учинчидан: Касалланишларни урганиш ва уни камайтириш барча Соғлиқни сақлаш муассасаларининг ва шифокор-мутахассисларининг бош вазифаларидан бири хисобланади.

Туртинчидан: Касалланишларни маълум олинган территорияларда ташки мухит, турмуш ва меҳнат шароитлари билан боғлаб урганиш шу

территорияда ахоли саломатлигини яхшилаш бўйича аник чора-тадбирлар ишлаб чикиш учун асосий манъба хисобланади.

Бешинчидан: Касалликнинг динамикасини урганиш натижасида ахоли орасида патологик жараёнларни ўз гариши хакида чукур маълумотларга эга булинади

Ахолининг касалланишлари хакидаги маълумотларни олишининг асосий манбалари ва касалликлар халкаро класификацияси

Ахоли орасидаги касалланишларни урганишнинг асосий манбаларидан бири bemорларни даволаш профилактика муассасаларига тиббий ёрдам олиш максадида мурожати хисобланади.

Хар бир касаллик бўйича жорий йилдаги бирламчи мурожатлар кўз атув бирлиги сифатида кабул килинади.

Ахолини даволаш профилактика муассасаларига мурожати натижасида урганилган касалланишларни тахлил килинганда маълумотларнинг туликлигига таъсир этувчи омилларни инобатга олиш керак: тиббий ёрдамнинг якинлиги, врачлар билан таъминланганлиги, ахоли яшаш жойида ихтисослашган тиббиёт муассасаларига мурожати, ахолининг санитария маданиятининг даражаси, уларнинг ўз соғлигига булган муносабати

Беморни даволанаётган ва касалликни руйхатга олган врач касалликни белгилашда унга тўғри ташхис куйишда классификациядан фойдаланилади.

Касалланишларни урганилаётган тиббиёт ходимлари хозирги пайтда ишлатилаётган касалликлар классификациясидан фойдаланиб статистик материалларни тўғри гурухлай билиши керак.

Умумий касалланишларни урганишнинг асосий манбаларидан бири, ахоли орасида утказиладиган профилактик ва максадли тиббий куриклар хамда диспансер кўз атувлариридир. Бу усул оркали яширин кечувчи олдиндан маъмаълум булмаган ёки ахолини фаол равишда тиббий ёрдам олиш учун мурожаат этишга мажбур килмаган сурункали касалликлар аникланади. Курик маълумотлари, ахолининг мурожаати натижасида олинган маълумотлар билан кушилиб касаллик хакида материалларни янада тулдиради, уларга бирмунча аникликлар киритади ва ахолининг умумий касалланишларини янада туларок ёритишга ёрдам беради.

Айрим касалликларни канча таркалганлигини урганишла улим сабаблар статистикаси хам катта ахамиятга эга, чунки айрим холларда куқисдан улим натижасида, паталогоанатомлар bemорнинг хаёти давомида кайд этилмаган, янги касалликларни аниклайди, улар ўз навбатида, касалланишлар хакидаги маълумотни янада тулдиради.

Катта шахарларда умумий касалланишлар хакида хар томонлама тулик маълумот йигилш бир мунча кийин, чунки ахоли тиббий ёрдам олиш максадида доимий яшаш жойидаги поликлиникадан ташкари бошка профилактика даволаш муассасаларига мурожаат этиши мумкин (ТСК, ихтисослаштирилган тиббий марказлар).

Шунинг учун хозирги пайтда ахолининг умумий касалланиши хакида хар томанлама тулик ва аник маълумот олиш учун маҳсус кўз атувлар олиб борилади. Бирламчи материал йигиш ва уни хисоблаш усулларидан катъий назар умумий касалланишларни урганиш натижасида ахоли орасида таркалган касалликларнинг структураси, таркалиш даражаси ва уларнинг динамикаси хакида маълумотлар олинади.

Бирламчи тиббий маълумотларни жамлаш, хисоблаш ва ахол орасидаги касалланишларни илмий статистикси, таркалиш тахлил килиш маҳсус тўз илган касалликлар, шикастланишлар ва улим сабаблари классификацияси мавжуд.

Беморни даволанаётган ва касалликни руйхатга олган врач касалликни белгилашда, унга тўғри ташхис куйишда классификациядан фойдаланади. Касалланишларни урганаётган тиббиёт ходимлари хозирги пайтда ишлатилаётган касалликлар классификациясидан фойдаланиб, статистик материалларни тўғри гурухлай билиш керак.

1900 йил 21 авгусда Парижда 26 мамлакатдан келган делегатлар иштириоқида касалликлар ва улим сабаблари классификациясини куриб чикиш учун биринчи марта халкаро конференция булиб утди ва у биринчи классификацияни тасдиклади, Конференция карори билан хар 10 йилда классификация кайтадан куриб чикиладиган булди. Хозирги пайтда жаҳон соглакни сақлаш ташкилотини санитар статистика соҳасидаги эксперtlари бундай классификация кайтдан куриш билан бевосита шугулланадилар. Касаллик ва улим сабабларини халкаро классификация си ва номенкулатураси утган даврлар мобайнида 1909, 1920, 1929, 1938, 1948, 1955, 1965, ва 1975 йилларда куриб чикилади.

1976 йил майда Женевада утказилган бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ассамблессининг 29 сессияси IX кайта курилган классификацияни матнини тасдиклади ва у 1/01 - 709 йилдан кучга кирди ва хозирда биз ана шу классификациядан фойдаланимокдамиз.

9-кайта курилган “Касалликлар, шикастланишлар ва улим сабаблари”ни халкаро классификация; 17-та синфдан ва 999 номдан (рубрик) иборат.

Бу классификация 2- жилдан иборат булиб унинг биринчи жилди:

- 1) кириш кисмидан Халкаро классификациянинг яратилиш тарихи, 9 кайта курилган классификациядан фаркли томонлари.
- 2) уч ракамли рубрикни ёзуви
- 3) уч ракамли рубриклар билан, турт ракамли кичик рубрикларнинг тула ёзув
- 4) Улим хакида гувохлик бериш ва классификациядан фойдаланиш коидалари
- 5) Статистик тахлил учун маҳсус ёзув
- 6) Аниклашлар ва тавсиялар
- 7) Номенкулатура хакида низом (положение)дан иборат.

Ахолини умумий касалланишлари хакидаги маълумотлардан фойдаланган холда куйидаги статистик курсакичлар келтирилиб чиқарилади:

1. Биринчи касалланишлар.

жорий йилда биринчи марта руйхатга олинган касалліклар сони X 1000

ахолининг йиллик уртacha сони

2. Умумий касалланишлар.

жорий йилда олинган жаъми касалліклар X 1000

ахолининг йиллик уртacha сони

3. Юқоридаги курсаткичларни алоҳида - касалліклар, жинс ва ёш бўйича хисоблаш мумкин.

4. Касалліклар структураси (жаъми касалліклар ичида айримларнинг улушлари, синфлар нозологик формала бўйича)

маълум касалліклар сони X 100

умумий касалліклар сони

5. Ахоли айrim гурухлари ичида касалліклар структураси (ёши, жинси бўйича) худди 4 -курсаткич каби хисобланади.

6. Тиббий куриқда аникланган касалліклар курсаткичи тиббий куриқда аникланган касалліклар сони X1000

тиббий куриқдан утказилган щахсларнинг умумий сони

Юқумли касаллик статистикаси. Юқумли касалліклар ахоли учун хавф тугдиради, чунки Юқумли касаллікларни ўз вактида олди олинмаси улар тез таркалиб эпидемияга айланиб кетиши мумкин Шу муносабат билан уларни назорат килиш учун хар бир Юқумли касалликни ўз вактида кайд этиб туман, шахар санитария-эпидемиологик станцияларига шошилинч хабар бериш зарур.

Юқумли касалліклар аникланганда ёки улар тўғрисида гумон килинганда шошолинч хабар бериш мажбурий хисобланади.

Барча хабар берилиши лозим булган Юқумли касаллікларни куйидаги гурухларга булиш мумкин:

1. Карантин касалліклар (улат, вабо, кора чечак, сарик истима, кайталама тиф).

2. Санитария-эпидемиология станцилари билан бир вактнинг ўз ида маҳсус ихтисослашган даволаш профилактика муассасаларида - ахборот тупланадиган касалліклар (улар айримлар: сил, захм, сўз ак, трахома, замбуругли касалліклар мохов).

3. Даволаш профлактик муассасалари санитария-эпидемиологик станцияларига фактада йигма равища ахборот берадиган касалліклар (грипп, Юқори нафас йулли инфекциялари).

4. Хар бир касаллик ва касал хакида маҳсус ахборот бериладиган касалліклар (ошкозон тифи, паратиф, сальмонеллез, ичбуруг энтеритлар кизамик, кукийутал, менингит, энцефалит, инфекцион гепатит, скарлатина, кокшол, полиомелит, кутуриш, риккетсиозлар, тошмали тиф, малярия,

лептоспироз, 1-ойлик болалардаги сепсис, сувчечак, краснуха, геморрагик лихорадка, эпидемик паротит, орнитоз ва бошка лар.

Юқоридаги касалликлар гурухлари бўйича мавжуд қонун асосан Юқумли касалликни биринчи булиб топган ёки гумон килган хар бир врач, урта тиббиёт ходими санитария-эпидемиология станциясига шошилинч хабар юбориши зарур (058-у формага мувофик). Бундай хабар шахар, туман ДСЭНМларига даволаш-профилактика муассасаларининг ходимлари томонидан берилади.

ДСЭНМ ходимлари шошилинч хабарни маҳсус “Юқумли касалликларни харакати” дафтарига кайт этади ва ўз идан Юқориги ДСЭНМлага 85-СЭС форма “ Юқумли касалликлар харакати хакида хисобот” оркали ойлик хисобот юборадилар.

Даволаш-профилактика муассасалари 85-грипп форма оркали санитария-эпидемиология станцияларига грипп ва Юқори нафас йуллари инфекциялари хакида хтисобот беради.

Юқумлик касалликларни тахлил килишда Юқоридаги хисобот формалари билан бир катор Юқумли касалликларнинг учогида текширув олиб бориш натижасида эпидемиолог томонидан тулдирилган “Юқумли касаллик учогини эпидемиологик текширув” (ф.357-у) картасидан хам фойдаланилади.

Натижада хар бир туман ва шахар санитария-эпидемиология станциялари томонидан Юқумлик касалликлар хакида хафталик, 10 кун кунлиқ, ойлик, квартал, ярим йиллик ва йиллик курсаткичлар хисобланиб тахлил килинади.

Ногиронлик. Ногиронлик бу меҳнат кобилиятини доимий йукотганлик ёки куп жихатдан кискарғанлигидир.

Меҳнатга яроксизлик варакаларига карб ишчиларнинг орасида касалланиш холалари 16-ВН формага мувофик корхоналар ва цехлар бўйича ишлаб чикилади. Касалланиш тўғрисида маълумотларни кейинчалик касаба союзлари Марказий республика кумитасидагни статистика булимлари саноат соҳалари бўйича ишлаб чикишади. Саноат соҳаларида тегишли маълумотлар жам килинади ва ишлаб чиқарилади.

Меҳнат кобилиятини вактинча йукотишга олиб борадиган касалликлар тўғрисида учта асосий курсаткичга караб фикр юритилади:

1. Ишчиларнинг 100-таси тўғри келадиган меҳнатга яроксизлик холларининг сони

меҳнатга яроксизлик холлар сони X 100

- -----

ишчилар сони

2. Ишчиларни 100тасига тўғри келадиган меҳнатга яроксизлик кунларининг сони

меҳнатга яроксизлик кунлар сони X 100

- -----

ишчилар сони

3. Битта меҳнатга яроксизлик холининг уртacha муддати

мехнатга яроксизлик кунлар сони

мехнатга яроксизлик холлар сони

Мехнат кобилиятини вактинча йукотишга сабаб булган касалликларни урганишда 100 ишчига тўғри келадиган уртача курсаткичларини хисоблаб чикишдан ташкари, bemорлар контингентини хисобга олиш катта ахамиятга эга. Ишчиларнинг маълум бир кисмида мехнатга яроксизлик холлари умуман булмаслиги практикада маълум: купчилик кисми 1-2 марта, айrim ишчилар эса йилига 5 марта ва ундан ортик калланади. Бирок хаммадан ку мехнатга яроксизлик холлари ва кунлари ишчиларнинг мана шгундай тез-тез ва ўз ок касалланиб турадиган озгина кисмига тўғри келадиган. Беморлар контингенти бўйича касалланишни урганишда кулланиладиган асосий курсаткичлар куйидагилардир:

1. Саломатлик индекс - мазкур коллективда йил бўйи касал булмаган ишчиларнинг улуши:

мазкур коллективда йил бўйи касал булмаган ишчилар сони x 1000

ишчиларнинг уртача сони

2. Бемор шахслар кусаткичи жорий йилдамехнат кобилиятийукотган ишчилар сони x 100
-

ишчиларнинг уртача сони

Ногиронлик тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (Т.М.Э.К.) томонидан белгиланади.

Т.М.Э.К. согликни сақлаш, ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот муассасаларининг фаолиятини ўз ида мужассам килган ташкилотdir. Т.М.Э.К ўз фаолиятида куйидаги хужжатлар билан ишлайди: «Т.М.Э.К. гувохлик акти», «Т.М.Э.К. кенгаши хакида протоколлар китоби», Т.М.Э.К гувохлик актига статистик талон», «Т.М.Э.К йилига бир марта 7-форма бўйича хисобот тўз ади.

Жисмоний ривожланишини урганиши.

Ахолининг жисмоний ривожланишининг урганишдан асосий максад уларнинг катталикларини ва улардаги ўз гаришларни урганиш:

- а) Ахолининг хар хил ёш-жинс гурухлари орасида уларнинг жисмоний ривожланишларини, унинг ўз гаришларини ва асосий қонун иятларни урганиш.
- б) бир коллективнинг ўз ида уларнинг саломатлигини жисмоний ривожланишини динамикада урганиш ва унинг қонун иятларини аниклаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш борасида чора-тадбирлар белгилаш.
- в) Ахолини хар хил климато-географик, этник, ёш-жинс гурухлари, айникса болалар жисмоний ривожланишнинг стандартларини ишлаб чикиш.
- г) Болалар орасида жисмоний Соғлом лаштириш чора-тадбирларни баҳолашдан иборат.

Жисмоний ривожланиш “сифат” жихатдан бир хил булган ахоли гурухлари орасида тиббий муассаса томонидан ёки илмий тадқикот

институтларининг илмий ходимлари томонидан маҳсус тўз илган дастур оркали урганиш керак.

Жисмоний ривожланишни таҳлил килиш ва баҳолаш умумлаштирувчи (генераллаштирувчи) ва хусусийлаштирувчи усуслар оркали олиб борилади.

Умумийлаштирувчи усуlda - хар кайси ёш-жинс гурухида ва алоҳида олинган болаларнинг антропометрик белгилари улчаниб уларнинг йигиндисидан хар бир ёш (жинс) гурухлари учун жисмоний ривожланишларнинг урта кийматлари келтириб чиқарилади.

Хусусийлаштирувчи усуlda - бир гурух болаларни хар бирининг ривожланиши маълум давр оралигига (“ўз унасига”) кўз атиб борилади ва уларга асосан ёш-жинс гурухлари бўйича стандартлар ишлаб чиқилади.

Жисмоний ривожланиш ахоли саломатлигини бошка курсаткичлари билан бир каторда жамият соғлигини характерлашда ижобий роль уйновчи катталиkdir. Ахолининг жисмоний ривожланишига караб уларнинг турмуш даражаси овкатланиш, дам олиш каби омиллар хакида фикр юритиш мумкин.

Жисмоний ривожланиш куп жихатдан биологик, ижтимоий иктисадий ва ташки мухит омилларига боғлик

Ахоли ёш гурухлари ичида энг муҳими болаларнинг жисмоний ривожланишини урганишdir.

Одамнинг жисмоний ривожланишини кўз атиш ва назорат килиш улар туғилган даврдан тугруқхонадан бошланади.

Назорат саволлари:

1. Касалланиш тушунчаси ва касалланишларни ўрганишнинг ахамиятлари
2. Ахолининг касалланишлари ҳақидаги маълумотларни олишнинг манбалари ва касалликлар халқаро классификацияси
3. Ногиронлик.
4. Жисмоний ривожланишни ўрганиш

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Маматкулов Б.Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Тошкент, “ИЛМ ЗИЁ,” 2013.- 576 б.
2. Маматкулов Б.М. Тиббиёт.статистикаси (Биостатистика) асослари, Тошкент, 2005, -132 б.
 1. Ўзбекистон Республикаси ССВ буйруқлари
 2. Применение методов статистического анализа для изучения общественного здоровья и здравоохранения. Учебное пособие / под ред. В. З. Кучеренко.М.: ГЭОТАР – Медиа, 2011 г. – 256 стр.: ил..
 3. Маматкулов Б.М., ЛаМорт, Рахманова Н. Клиническая эпидемиология и основы доказательной медицины, Т., 2008.
 4. Ш.Т.Искандарова, Н.М.Махмудова, Г.А.Джалилова, Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилишнинг асосий масалалари ўкув қўлланма, 2011й.
 5. Т.И. Искандаров, А.А. Абдуфаттаев Жамоатчиликсаломатлиги васоғлиқни сақлаш, Тошкент – 2008

Интернет сайтлари:

1. info@minzdrav.uz
2. Info@tma.uz
2. <http://www.apha.org/media>, Книга American Public Health Association
3. www.yandex.ru/
4. www.google.ru,
5. www.google.co.uz
6. info@minzdrav.uz
7. www.zyonet.uz 8. www.booksmed.com

IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Ахоли яшаш жойларида радиацион хавфсизлик муаммолари.

Ишдан мақсад: Радиологик объектларни нормал шароитда лойихалаштириш, радиологик объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш шароитида хавфсизлик қоидаларини ишлаб чиқиши, табиий ва сунъий ёритилгандык тартибининг ахамияти ҳамда амалиётда тутган ўрнини тушунтириш, бу кўрсаткичларни улчаш ва уларга баҳо бериш кўнимкамларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Радиологик объектларни нормал шароитда лойихалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш шароитида, яъни радиацион хавфсизлик қоидаларига ва МКРЗ нинг тавсияларига тўлиқ амал қилинганда ахолининг харқандай тоифасини нурланиш холати кузатилмайди. Бироқ штатсиз (режалаштирилмаган, кутилмаган) вазиятлар юзага келганда радиологик объектлар, хам ходимлар учун, хам атрофдаги ахоли учун жиддий хавф туғдириши мумкин. Бундай штатсиз холатлар аварияли вазиятлар натижасида, РМ саклаш, транспортировка қилиш қоидалари бузилганда, улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганда, табиий жараёнлар таъсири натижасида юзага келиши мумкин.

Локал радиацион авариялар, қоида бўйича ИНМ дан фойдаланиш қоидалари бузилганда, РМ жойлаштирилган идишлар ёки сифимлар шикастланганда, ИНМ йўқолган ёки ўғирланган холатларга боғлиқ бўлиб, чекланган миқдордаги шахсларнинг нурланиши ва технологик хоналаргина радиоактив ифлосланишга учраши мумкин.

Локал радиактив авариялар қуйидагича тавсифланади:

- 1 синф - авариялари, фақат ходимларнинг ташқи нурланиши билан боғлиқ;
- 11 синф - авариялари, ходимларнинг фақат ички нурланишлари билан боғлиқ;
- 111 синф - авариялари, ходимларнинг комбинациялашган ташқи ва ички нурланиши билан боғлиқ;
- 1У синф - авариялари, ходимларнинг ташқи ва ички нурланиши ва ишлаб чиқариш мухитининг ифлосланиши;
- У синф - авариялари, ишлаб чиқариш мухитининг ифлосланиши, ходимларнинг ташқи ва ички нурланиши, хамда ахолидан айrim шахсларнинг нурланиши.

Энг катта хавф штатсиз аварияларда ва ядервий реакторлар, жумладан АЭС ларида содир бўладиган аварияларда кузатилади. Ҳалокатли оқибатларга сабабчи бўлган радиацион аварияларга мисол қилиб, 1986 йилда Чернобыль АЭС да содир бўлган аварияни келтириш мумкин.

1990 йилда атом энергияси б°йича Халқоро агентлик (МАГАТЭ) да ядровий реакторларда юзага келиши мумкин бўлган ходисаларнинг шкаласи ишлаб чи±илган ва қабул қилинган бўлиб, унга асосан атроф мухит ва одамларнинг со²лиги учун уларнинг оқибатларига боғлиқ бўладиган бу ходисаларнинг синфларини аниқлаш мумкин.

Бундай ходисаларнинг барчасини 7 та синфга бўлиш мумкин.

- 1, 2, 3 синфлар турли даражадаги "ходисалар ёки воқеалар" га хос бўлиб, бунда атроф му³итга кичик хажмдаги РМ чи±арилади ва ахолининг нурланиши белгиланган даражадан ошмайдиган холатлар (мЗв ўндан бир бўлаги) кузатилади.
- 4 синф - бу объект чегарасидаги авария бўлиб, атроф мухитга РМ кичик миқдорда чиқарилади ва ахолининг нурланиши бир неча мЗв доирасида бўлади.
- 5 синф - атроф мухит учун хавфли авария бўлиб, атроф мухитга 10^2 дан 10^3 ТБк (терабеккерель) миқдорида ^{131}J чиқаради.
- 6 синф - атроф мухитга 10^3 дан 10^4 ТБк миқдорида ^{131}J чиқарилиб, оғир авария хисобланади.
- 7 синф - глобал авария бўлиб, атроф мухитга 10^4 ТБк дан ортиқ ^{131}J чиқарилади

Ходимлар ва атроф мухит учун оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган радиацион аварияларга таъриф.

Радиацион объектлар аварияга қарши яхши ташкил этилган хавфсизлик тизимига эга бўлиши керак, аммо бундай хавфсизликка мутлоқ кафолат бераб бўлмайди, шунинг учун авариялар содир бўлганда ва экстремал вазиятлар юзага келганда зудлик билан амалга ошириладиган тадбирлар қўлланиши ва биринчи навбатда одамлар учун бўладиган хавфни пасайтириш лозим бўлади. Бундай хавф асасоан иккита омил билан боғлиқ: одамларнинг ўткир нурланиш олиш мумкинлиги ва атроф мухитнинг ифлосланиши натижасида РМ нинг инкорпорацияланиши хисобига дозавий юкламаларнинг ошиб кетиши хисобланади.

Атом реакторларида содир бўладиган авариядаги радиацион хавфни баҳолашда асосий мезонлар қуйидагилар хисобланади:

- радиоактив моддаларнинг аварияга доир чиқарилиш қиймати ва метеорологик омилларни хисобга олиб, худуднинг ифлосланиши;
- авария чиқиндиси билан ифлосланиш хисобига ишлаб чиқариш майдони, реактор зали, реактор худудининг ташқи нурланиш қиймати;
- ифлосликнинг радионуклидли таркиби ва хаво, сув, озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиш даражаси.

Радиацион авария зонасида ўтказиладиган тадбирларнинг табиати авария бос±ичларига боғлиқ бўлади.

Биринчи босқичда жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича зудлик билан ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш, ахоли ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш (зарурият бўлса), керакли соҳадаги мутахассисларни жалб қилиш ва кейинги тадбирлар

режасини тузиш. Радиацион авария зонасида кўрсатилган тадбирлар хажми жуда катта куч ва воситаларнинг сарфланишини талаб қиласди. Масалан, Чернобыль АЭС даги авария оқибатларини бартараф қилишда ахолига тиббий хизмат кўрсатиш учун (профилактик ёрдамни қўшган холда) 7 мингга яқин врачлар, 13 минг ўрта тиббий ходимлар, 2 мингга яқин инженер-техник ишчилар жалб қилинган.

Радиацион хавфни бирламчи баҳолаш, авария рўй берган муассаса маълумотлари асосида ўтказилиши керак.

Авариядан кейиноқ (биринчи 10 кун давомида) энг юқори хавф ташқи нурланиш, ҳамда қисқа умр к°рувчи изотоплар, хусусан ^{131}J хисобига келиб чиқиши мумкин. Авариядан кейинги муддатларда (10 кундан кейин) асосий хавфни узоқ умр кўрувчи изотоплар, асосан Cs (ярим парчаланиш даври - $T_{1/2}$ = 2,3 йил), ^{137}Cs ($T_{1/2} = 30$ йил), ^{90}Sr ($T_{1/2} = 28$ йил), ^{106}Ru ($T_{1/2} = 360$ кун), ^{144}Ce ($T_{1/2} = 284$ кун) хисобига бўлиб, улар радиацион булатнинг аста-секинлик билан чўкиши натижасида атроф мухит обьектлари - озиқ-овқат махсулотлари, сув, тупрок, хаво ифлосланиши мумкин.

Чернобыль АЭС даги авария шуни кўрсатдики, ахолига бўладиган радиацион таъсир бир қанча омилларга боғлиқ экан:

- радиоактив булатдаги ташқи бета- ва гамма нурланишлар;
- радиоактив булатдан ёғиладиган РМ билан нафас олиш хисобига ички нурланиш;
- чўккан радионуклидлардаги бета- ва гамма нурланишлар;
- организмга сув ва озиқ-овқат махсулотлари тушиши билан боғлик бўлган ички нурланиш.

Радиацион аварияларнинг оқибатлари ходимлар учун хам, ахоли учун хам хар турли - ўткир жароҳатланишдан тортиб, стохастик самара кўринишидаги узоқ муддатлардан кейинги оқибатларнинг юзага чиқиши кўринишида б°лиши мумкин.

Радиацион авария оқибатларини текшириш ва йўқотиш бўйича бўлган тадбирлар тизимидағи гигиеник тадбирлар

Радиацион авария хақидаги воқеа аниқланган хамма холатларда корхона маъмурияти зудлик билан махаллий хокимият ва ички ишлар органлари, санитария-эпидемиология назоратининг Давлат департаменти, ФХВ (фавқулотда ходиса вазирлиги) га хабар бериши шарт.

Муассасанинг ўзида авариянинг ривожланмаслиги, одамларнинг нурланиши мумкинлигини минимум даражагача тушириш ва атроф му³итнинг ифлосланмаслиги учун зарурий тадбирлар қўлланиши керак.

Кейинчалик эса, асосий куч ходимлар ва ахолининг дозавий юкламасини пасайтириш бўйича тадбирларни таъминлашга қаратилади.

Ахолининг дозавий юкламасини пасайтиришга доир тадбирларнинг табиати ва хажми радиацион авариянинг синфиға ёки юзага келадиган экстремал вазиятларга боғлиқ. Аммо Чернобыль АЭС даги авария оқибатларини йўқотиш бўйича тўпланган тажриба, ҳамда штатсиз авариялар бўйича тўпланган бутун жаҳон тажрибаси муайян шароитларда радиацион

таъсирининг ўзига хос хусусиятларини хисобга олиб ДСЭН фаолиятидаги мухим йўналишларни аниқлашга имкон беради.

Катта худудларнинг радиоактив ифлосланишига сабабчи бўладиган аварияларда, назорат маълумотларига ва радиацион вазиятни башорат қилишга асосланиб, "радиацион авария зонаси" ўрнатилади. Радиацион авария зонаси, худудда авариядан кейинги 1 йил ичидаги ташқи ва ички нурланиш йифиндисининг эффектив дозаси 5 мЗв ошиши мумкинлигига қараб аниқланади. Радиацион авария зонасида радиацион вазият мониторинги ўтказилади ва ахолининг нурланиш даражасини пасайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

Авариядан кейинги яқин муддатларда шошилинч тадбирларнинг табиати ва ${}^3\text{ажми } {}^3\text{а}\pm\text{идаги}$ масала хал қилиниши керак. Бундай қарорни қабул қилиш учун махсус мезонлар ишлаб чиқилган. Жумладан, агар биринчи 10 кун ичидаги баданнинг нурланиши 5 мЗв ошмаса, шошилинч тадбирларни қабул қилишга хожат бўлмайди. Нурланиш дозаси 5 дан 500 мЗв бўлганда химояланиш тадбирларини бажарилиши хақидаги қарор муайян вазият ва махаллий шароитни хисобга олиб қабул қилинади. Нурланиш дозаси 500 мЗв дан юқори бўлган холатларда зудлик билан яшириниш жойларини ташкил қилиш, нафас органларини, бадан терисини химоя қилиш, йодли профилактика каби тадбирлар қабул қилинади. Биринчи 10 кун давомида умумий нурланиш дозаси 500 мЗв ошган тақдирда катта ёшли одамлар зудлик билан эвакуация қилинади. Хомиладор аёллар ва болаларни эвакуация қилиш 10 кун ичидаги нурланиш дозаси 50 мЗв дан ошганда амалга оширилади.

Атроф мухитнинг радиоактив заарланиш даражасини хисобга олиб, ифлосланган озиқ - овқат махсулотлари ва сувни истеъмол қилишни чеклаш (башорат қилиниши бўйича нурланиш дозаси 50 мЗв ва ундан ортиқ дозада ${}^{\circ}\text{Лганда}$), ёки ифлосланган зонадан ахолини олиб чиқиб кетиш хақидаги (башорат қилинадиган доза йилига 500 мЗв дан ошса) масала хал қилинади.

Радиацион вазиятни хисобга олиб, радиацион авария зонасида ўтказиладиган ишлар, З босқичга бўлиниши мумкин. Биринчи босқичдаги (авария вақтидан 24 соатгача) асосий вазифа радиацион вазиятни ва ахолини химоялаш бўйича биринчи навбатдаги ишларни режалаштириш ва бажариш учун авариянинг кутиладиган масштабини баҳолаш хисобланади. Иккинчи босқичда (7-10 кун) радиацион вазият янада аниқланади, қалқонсимон безда радиоактив йоднинг микдори танлаб ўлчанади, сув ва озиқ-овқат махсулотларини танлаб дозиметрик назоратдан ўтказилади, хамда ахолининг нурланиш дозаси башорат қилинади, жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Учинчи босқичда (2 ойгача) радиацион вазиятга янада аниқлик киритиш ва радиацион вазиятни назорат қилишни тартибга солиш, дозиметрик ва радиометрик текширишларни оммавий кенгайтириш, чекловчи тадбирларни ташкил қилиш ва унинг бажарилиши назорат остига олинади.

Радиацион авариялар вақтида айрим ахоли гурухи ўртасида юқори психоэмоционал зўриқиши ва радиофабия билан боғлиқ бўлган яна бир

мухим муаммо вужудга келса, аксинча айрим одамларда радиоактив моддалар хақидағи элементар билимларнинг ва РМ нинг организмга таъсир этиш мумкинлиги түғрисида етарлича маълумотларга эга эмаслиги муаммоси юзага келади. Бу холат кенг ахоли ўртасида шунга мувофиқ билимларни тарғибот қилиш зарурлигидан далолат беради.

Авариядан кейинги биринчи босқичда кечикириб бўлмайдиган тадбирлар тугатилгандан сўнгги биринчи даврда, радиацион вазиятни назорат қилиш, озиқ - овқат маҳсулотлари ва сув билан радионуклидларнинг организмга тушишини чеклаш, заарланган зонадан одамларни кўчириш, дезактивацион ишлар, тиббий текширишлар ва одамларни соғломлаштириш, тушунтириш ва санитар - оқартув ишлари давом этирилади. Бу босқич, шак-шубҳасиз яна бир неча йил давом этиши керак. ЧАЭС даги авария оқибатлари шу кунгача тўлиқ йўқотилмаганлиги бунга ёрқин мисолдир.

Табиийки, юқорида таърифланган тадбирлар катта масштабли ва у тўлиқ хажмда фақат 5-6-7 синфларга оид радиацион авария холатларида давом эттирилиши мумкин. 3-4 синфга таалуқли аварияларда асосий хавф-хатар фақат ходимлар учун бўлади, чунки уларда ўта нурланиш ва ўткир оқибатларнинг юзага келиш хавфи юқори.

1-2 синфдаги радиацион аварияларда одамларнинг соғлиги учун бевосита хавф-хатар бўлмайди, аммо хам ходимлар ва хам ахоли учун потенциал негатив оқибатларнинг келиб чиқиш мумкинлиги нуқтаи-назардан огох бўлиш талаб этилади.

Радиацион авария оқибатларини йўқотишида ДСЭН нинг асосий фаолияти ахолининг режалаштирилган юқори нурланишини регламентлаш хисобланади. Бу регламентлар аварияли ходисаларда ЎзР ССВ томонидан ўрнатилади ва ўз таркибига қўйидагиларни олади:

- ташқи ва ички нурланиш дозасининг таъсир этиши даражасини баҳолаш;
- ташқи ва ички нурланишнинг вақтинчалик дозавий чегаралари;
- атроф мухит обьектларида РМ нинг вақтинчалик рухсат этилган миқдор даражаси;
- ишларни бажаришдаги вақтинчалик санитар қоидалар;
- тиббий кўрикларнинг хажми ва даврлари;
- ташқи мухит обьектларини санитар ишловдан ўтказилишини назорат қилиш шароитлари.

Радиацион авария оқибатларини текшириш ва йўқотишиш ишлари Давлат санитария назорати Департаменти назорати остида муассаса маъмурияти томонидан "Радиацион аварияларнинг оқибатларини текшириш ва бартараф қилиш хизмати бўйича инструктив-услубий кўрсатма" га мувофиқ бажарилади. Авария ва унинг оқибатларини бартараф қилиш учун корхона ёки муассаса рафбарияти шахсий жавобгар хисобланади, унинг келиб чиқишига сабабчи бўлган шахслар эса, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Физиологик ва санитар аҳамияти нұқтаи-назардан ҳавонинг асосий физикавий күрсаткичлари қуидагилар хисобланади: ҳарорат, намлиқ, ҳаво харакати ва тезлиги, атмосфера босими, электрланганлик ҳолати кабилар. Ёпиқ хоналардаги ҳаво ҳарорати, намлиги, харакати ва тезлиги бошқарса бўладиган омиллар қаторига кириб, бу омилларнинг йифиндиси биргалиқда хоналар микроиқлими тушунчасини таърифлайди.

Айрим муаллифлар микроиқлим омиллари қаторига барометрик босимни ҳам киритадилар. Бироқ герметик (зич) ёпилмайдиган хоналардаги барометрик босим ҳудди ташқаридагидек бўлади ва уни бундай шароитда бошқаришнинг имконияти йўқ. Шунинг учун атмосфера босими қийматини метеолабил одамларга таъсир этиши мумкинлиги ва ҳавонинг мутлоқ намлиги (абсолют)ни хисоблашдаги иштироки нұқтаи-назардан инобатга олиш лозим.

Микроиқлим одам организмига доимий равишда таъсир этиб турувчи омиллар қаторига киради. Бу омиллар организмдаги терморегуляция (иссиқликнинг бошқарилиши) учун катта аҳамиятга эгадир, чунки маълум даражада танада иссиқликнинг хосил бўлиши ва иссиқликни ажратилиши жараёнларини (нурланиш, терлаш, ўтказиш, конвекция) ўзгартириш хусусиятига эгадир. Бундан ташқари микроиқлим омилларининг номувофиқ параметрлари кўпгина орган ва системаларнинг функционал ҳолатларини ўзгартириш хусусиятга эга: ЮТС, МНС, ошқозон-ичак йўли, эндокрин система каби. Бундан ташқари, микроиқлимнинг ҳаво харакати каби омили катта санитар аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки хоналардаги ҳаво олмошиниши ҳаво харакатининг тезлигига боғлиқдир ва демак, хона ҳавосининг бактериологик ва кимёвий тозалигига бевосита таъсир кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Радиацион аварияларнинг турлари ва синфлар ?
2. Ходимлар ва атроф мухит учун оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган радиацион аварияларга таъриф?
3. Радиацион авария оқибатларини текшириш ва йўқотиш бўйича бўлган тадбирлар тизимида гигиеник тадбирлар?
- 4.Атмосфера босими ва унинг организм учун аҳамияти нимада?
- 5.Ҳавонинг харакат тезлиги ва йўналишининг гигиеник аҳамияти нимада?
- 6.Гигиеник меъёрлар ҳақида тушунча беринг
- 7.Хоналарнинг харорат тартиби ҳақида тушунча, бу кўрсаткичларни текшириш усуллари ва уларни баҳолаш тартибини айтинг
- 8.Ҳаво намлигининг турлари, намликни ўлчаш қоидалари ва кўрсаткичларни баҳолаш тартибини айтинг
- 9.Хонадаги ҳаво харакати тезлигининг санитар ва физиологик аҳамияти, ҳаво харакати тезлигини ўлчаш асбоблари, ўлчаш қоидалари ва натижаларни баҳолаш тартибини айтинг

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -186.
- 2.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
3. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - Т.,2011.
4. ЎзР СанҚваМ лари (2005 - 2015 йиллар)
5. Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard UniversityPress Cambridge,Massachusetts London, England, 2005,1-2, 102, 111p

2-амалий машғулот: Атмосфера ҳавоси ва тоза ичимлик суви муаммосини долзарб масалалари.

Ишдан мақсад: Атмосфера ҳавосини нормаллаштирувчи коръхоналар синифларини, Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш чора тадбирларини, Атмосфера ҳавоси гигиенаси бўйича қонуний меёри хужжатларни, Технолигик ва санитар техник чора тадбирлар, Марказлаштирилган сув таъминоти тизимлари оркали ахолини ичимлик суви билан таъминлашнинг ахамияти; Марказлаштирилган сув таъминоти тизимлари оркали сув таъминоти сувларига куйиладиган гигиеник талабларни; Сув таъминоти тизимларида ичимлик сувини сифатини назорат қилиш усулларини

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Атмосферани мухофаза қилишда асосий омиллардан бири бўлиб технолигик чора тадбирлар бўлиб хисобланади. Бизнинг давлатимизда атмосферага ташланадиган чиқиндиларни жойида заарсизлантириш мухим хисобланади. Иқтисодий жихатдан хам атмосферага чиқадиган чиқиндиларни, атмосферага чиқишидан олдин заарсизлантириш янада самарали хисобланади.

Атмосфера ҳавоси янада ифлосланишига қарши радикал чора тадбирлардан яна бири ёпиқ технолигик жараёнларни ташкил этиш хисобланади, бунда обгазларни ажралиб чиқмаслиги энг асосий фактор хисобланади. Лекин бу чораларни алоҳида ўзини қўллаш етарли самара бера омайди.

Замонавий фан техника ривожланиш жараёнида табий омиллардан кенг фойдаланиш мухим ахамиятга эга.

Технолигик чора тадбирлар:

1. ишлаб чиқаришдаги заарлаи омилларни кам зарарли ёки мутлоқ заарсизига алмаштириш.

2.хом ашиёни заарли қўшимчалардан тозалаш

3.чангланувчи материалларни қайта ишлашда (қуруқ) усулдан намли усулга ўтиш.

4.оловли қиздиришни электоррга алмаштириш

5.жараёнларни герметизация қилиш

6.узлукли жараёнларни узлуксизларга алмаштириш

Технолигик тадбирлар:

Атмосфера ҳавосини мухофаза қилишда технолигик тадбирларнинг ахамияти катта. Текшириш натижаларига қараб объектларга ва атмосфера ҳавосига ташланадиган чииндилар миқдорини камайтириш ёки мутлоқ тўхтатиш керак болади. Бунинг учун саноат корхоналаридағи технолигик жараёнлар такомиллаштирилиши зарур. Шунда чиқиндисиз ёки кам ччиқиндили ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Бундай жараён берк жараён дейилиб, бунда чиқиндилар умуман бўлмайди ёки бундай чиқиндилардан бошқа маҳсулот тайёрланади.

Чиқиндисиз ёки кам чиқиндили корхоналар ўз ичига комплекс ташкилий, техналогик жараёнларни олади. Бунда хам ашё тайёрлаш, бор материаллардан түлиқ фойдаланиш, уларни чиқинди сифатида ташқи мухитга ташламаслик борасида йўл – йўриқ, тавфсиялар ишлаб чиқилади. Чиқиндисиз маҳсулот ишлаб чиқариш назарий жихатдан қулай бўлсада, амалда уни бошқариш жуда қийин хисобланади. Шунинг учун хам кўпинча кам чиқиндили ишлаб чиқаришли корхоаларга катта ахамият берилади.

Академик Б.Н.Ласкарин тавсиясига кўра кам чиқиндили техналогияга эга бўлган корхоналар қуидаги йўналишда иш олиб боришлари керак:

Хом ашиёларни коиплекс холда ишлаш, янги техналогик жараёнлани ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш. Уларнинг схемаларини ишлаб чиқариш, шунга мос асбоб ускуналар яратиш, техналогик жараёнлада сув ва газлардан қайта фойдаланиш чораларни кўриш ва х.к.

Юқорида айтилган чора тадбирларни амалга ошириш маълум даражада чиқиндилар чиқишини камайтиради, ташқи мухит обектларини ифлосланишдан муҳофаза қилади.

Шуни айтиш керакки, чиқиндисиз ишлайдиган корхоналардаги барча хом ашё саноат маҳсулотига айланади. Нефт ишлаб чиқаришда қфолдиқ модда мазут бўлиб, унинг таркибида 70-90% олтингугуртбор. Хозирда мзутдан олтигугурт моддасини олиш техналогияси ишлаб чиқилмоқда. Хозир чиқиндисиз корхоналр сони жуда кам десак бўлади. Кў маҳсулотлар сифатсиз бўлгани, Давлат стандартига тўғри келмаслиги туфайли улардан фойдаланилмайди ва натижада улар мухитни ифлослантирувчи манбага айланиб қолмоқда. Хозирги баъзи метал ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндисин ишлаб чиқариш йўлига ўтган.

Чанг тарқатувчи манбаларни намлаш йўли билан чангни камайтииш мумкин. Жумладан қуук цемент ишлаб чиқаришдан нам цемент ишлаб чиқаришга ўтиш атроф мухитнинг ифлосланишини камайтиради.

Техналогик жааёнларда олов ёқиб қиздиришдан электор ёрдамида қиздиришга ўтиш хам атроф мухитнинг ифлосланишини камайтиади

М: Москвадаги алъюминий заводида алъюминийни электор индукцион печлада эйтиш йўлига ўтиши туфайли атмосфера хавосига тушадиган зарали моддалар сони анча камайди.

Техналогик жараёнларнинг берклигини таъминлаш маҳсулотларни бир жойдан иккинчи жойга транспотиёр лентала воситасида жўнатиш айниқса чанг чиқарувчи моддалар билан ишлашда сувли ёки хаволи танспатировка фойдаланиш заарли моддалар миқдорини анча камайтиради.

Лойихалаш тадбирлари.

- 1.Шаха худудини зоналаш
- 2.СХМ ташкил қилиш
- 3.Тура жойлани тўғри лойхалаштириш
- 4.Туар жойларни кўкаламзорлаштириш
- 5.Табий чанглага қарши куашиби

Лойхалашга асосланган тадбила ўз ичига бир неча комплекс холдаги тадбирлани олади. Лойхалашга асосланган чоа тадбилар асосан чиқиндилини атмосфера хавосига тушишини олдини олишга қаратилған.

Саноат корхоналари шахар худудида тұғри жойлашиилиши, шахар бош тоихасига хамда санитария нормаларига асосланган холда қуилиши керак.

Саноат корхоналари қуриш учун ер майдони ажратилаётгандың релефи, унинг иқлим шаоити, туманланинг пайдо бўлиб туриш холатига ахамият беилади.

Шахар худудини зоналарга бўлаётгандың томон йўналишини хисобга олиш жуда катта ахамиятга эга. Одатда саноат корхоналари яхши шамоллатладиган жойларга қурилади. Бу туцрага жойларни тутун ва дудлардан асрайди. Шамол йўналиши хисобга олинганда ўртача йиллик шамол йўналиши билан бир қаторда йил давомидаги шамолнинг йўналиши хам хисобга олинса жуда яхши бўлади.

Одатда, қиши фаслида саноат корхоналари жойлашган ерларда намлиқ юқори бўлганда ер юзасининг ифлосланиши кутилмаган даражада юқори бўлади. Шахарлада чангларга қарши курашишнинг бирдан бир йўли ободонлаштириш, йўлларни кўкаламзорлаштиришdir. Кўчалар равон, асфальтланган бўлса, йўллар четига ариқлар ўтказилса, манзарали ва мевали дараҳтлар ўтказилса чанг анча кам бўлади. Булардан ташқари корхоналар атрофида чиқиндилир йиғилиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Санитария назорати ходимлари бу борада тадбиркорлик билан фаолият кўрсатишлари лизим, чункий йиғилиб қолган ахлатлар юқимли касалликлар тарқалишига сабабчи бўлиши мумкин. Бундай зоналарни ташкил қилишдан мақсад турадар жойлардаги ахолининг саломатлигини саклашдир. Химоя зоналарининг катта кичиклиги саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилиарнинг миқдорига боғлиқ.

Агар саноат корхоналари қошидаги хавони тозалаш иншоатлари яхши ишламаса ёки тзалаш иншоатлари умуман бўлмаса, жойлардаги хаво муаллақ турадиган ёки туманли бўлса химоя зоналари узайтирилади.

Айрим саноат корхоналари, шунингдек, бази ишлаб чиқариш комплекслари, химия саноати, нефтни қайта ишлаш металургия комбинатлари, иссиқлик электор стациялари билан ахоли турадар жойлари орасидаги химоя масофалари санитария эпидемиология бош бошқармаси ва давлат қурилиш комитети томонидан белгиланади. Бундай хуқуқ бошқа республикалардаги санитария эпидемиология бош бошқармаси ва жумхурият давлат қурулиши комитетларига хам берилади. Санитария химоя зоналари кўкаламзорлаштирилиши лозим. Шундай қилинганда дараҳтлар заарли моддалар учун табий тўсиқ вазифасини ўтаб, чанг, аэрозол ва бошқа тасирчан моддаларни ушлаб қолади.

Яшил зоналар хаводаги чанг миқдорини 2-3 мартта камайтиради. Улар хаводаги сульфид ангидрид газини ўзига сингдириб олади ва сульфатларга айланади.

Яшил қалқон нафакат чанглани, балки заарли газлани хам ўзига сингдириб зарасизлантиради. Шу сабабли яшил зонала ташкил

қилинаётганда зарали газларга, химиявий моддаларга чидамли дарахтлар ўтказилади.

Саноат корхоналари жойлашганатмосфера хавосининг ифлосланиши даражаси юқои бўлган жойларга мевали дарахтлар ўтказилмаганмақул.

Санитария химоя минтақасининг 70% ини кўкаламзорлаштириш мумкин, I,II,III даражали саноат кохоналарининг 10% майдонини гараж, кирхона, ошхона ва х.к лар учун, 20%, майдонини эса йўл ва йўлакларга ажратиш мумкин. IV ва V даражали саноат корхоналари, тураг жойлар оалиғидаги химоя масофаси очик қолдирилиб, ўтлоқларга дарахтларга айлантирилиши мақсадга мувофиқ. Санитария химоя зонасидаги дарахтларга энг кучли таъсир этувчи моддалар кимё, кўмир саноати, шунингдек қоа ва англи металургия заводларидан ажралиб чиқадиган сульфид ва сульфад ангидридлар, фтор, амиак ва шу каби моддалардир.

Санитария химоя зонасига ўт ўчириш депоси, хаммол, кирхона ва гараж, ўқув юртлпри, лабаратоиялар ва бошқалар қуриш мумкин.

Санитар техник тадбирлар саноан кохоналари автотранспот воситаларидан ажралиб чиқадиган заралим моддаларни тозалаш ва бу усулларни ривожлантириш ни ўз ичига олади.

Махсус усулда қуилган тозалаш иншоатлари махсус корхоналардан ажалиб чиқаётган заарли омилларни камайтириш ёки бутунлай йўқотиш билан шуғулланади. Тозалаш иншоатлари чангларни механик йўл билан филтирили апарайлар ёрдамида электростатик филтирлар ва намли филтирлар ёрдамида ушлаб қолиниши керак.

Хозиги вақтда энг кўп тарқалган усул бу чангларни механик йўл билан холда ажратиб олиш хисобланади. Бунга мисол қилиб чўқтирувчи камералар, циклонлар, махсус қўл ушлагичларни кўрсатиш мумкин. Циклонлар хозирги замонда энг кў қўлланиладиган усуллардан биридир. Улар йирик заррачаларни 85-90% тозалайди.

Тузилишининг соддалиги ва ишининг самарадолиги жихатидан митти батареяли циклонлар анча қулай хисобланади. Уларни хавони хатто газлардан хам тозалаш⁹ мумкин.

Мазкур типдаги апаратларга айланувчи қисимли воситалар хам киради. Иш самарадорлиги юқори бўлган тутун ва кулларни, газларни ушлайдиган, айни вақтда хавони алмаштириббенадиган қурулмалар, иншоатлар яратиш шу куннинг долзарб мумаммоларидан биридир. Чангларни ушлаб қолиш учун турли матолардан, сопол керамика ва метал керамикалардан хам фойдаланилади.

Дисперс газларни бу каби филтирлардан ўтказиш натижасида газлар турли дисперсликдаги газлардан юқори даражада холи бўлади. Айниқса кейинги вақтларда синтетик ва шиша толали филтирлар кўпайиб қолди. Бундай апаратлар юқори хароратдаги газ ва буғлар учун жуда қулайдир. Газ таркибидаги ёпишқоқ, юқори хароратли чангларни тозалаш учун филтирловчи юзалардан хам фойдаланилади. Бунга қум ва майда тош гранулалари киради. Электростатик филтирлар кичик заррали чангловни

юқори кучга эга бўлган электор токи ёрдамида зарядлаб, қарама қарши зарядла электродларга ёпиширади.

Электор токини манбадан узуб қўйиш электроддаги чаррачаларнинг махсус камерага тукилишига сабабчи бўлади. Электроддаги чанглар табиатига кўра электор токини олиш қобилиятига эга бўлган чанглар бўлади. Электрофилтирларнинг иш унуми жуда юқори бўлиб, у 1 соатда 1 неча милион м³ атмосфера хавосини ўтказиш хусусиятига эга.

Электор филтирлар воситасида газлар таркибидаги қаттиқ ва суюқ заррачалар ушланиб қолиниши мумкин.

Электор филтирлар ўзлари ушлаб қоладиган чиқиндилар микдорига қараб қуруқ ва намли турларга бўлинади. Хавонинг таркибидаги газ, чанг ва бошқа ёд аралашмаларни нам ушлагичлар ёрдамида, яъни скруберлар воситасида хам тозалаш мумкин. Кенг тарқалган скрубер марказга интиувчи нам мослама бўлиб, у асосан хаводаги кул, газларни ушлаб қолади ва тозалайди.

Газ ва чангларни яхши ушлаб қолиши жихатдан Вентури скрубери алоҳида ажратиб туради., мазкур апарат ёрдамида мазкур апарат ёрдамида хаводаги қаттиқ ва аэрозоллар ушланиб қолинади.

Саноат чиқиндиларида хавони тозалаш учун дбсорбция ва адцорбция жараёнларини бажарувчи асбоблар қўлланилди. Булар скруберлар, қўпик хосил қилувчи апаратлар, барбатерлар ва бошқа мосламалардир. Бундай усул билан ажратиб олинган махсулотлар хом ашиё сифатида корхоналарга жўнатилиб қайта ишланиши мумкин.

Давлат санитария назорати олиб борилаётган вақтда водапровод тармоқларидағи сувнинг сифат кўрсаткичларининг ҳаммаси давлат стандарти талабларига жавоб бериш керак.

950-2000-йил Ўз. Рес. сининг давлат стандарти қўлланилди. Ушбу давлат стандартига асосан сувнинг микробиологик ва паразитологик кўрсаткичлари қўйидагича:

1. умумий микроблар сони 100 тадан кўп бўлмаслиги керак.
2. 1 литр сувдаги ичак таёқчаси сони (коли индекс)–3 тадан ошмаслиги керак.
3. Эшерихиялар ваколифаглар бўлмаслиги керак.
4. Паразитологик кўрсаткичлар :

Патоген ичак содда ҳайвонлари: лямбилия, цисталари, дезинтерия амёбалари, балантидиялар ва гельментлар тухуми бўлмаслиги керак.

Янги давлат стандартида сувнинг кимёвий таркибига 20 та кўрсаткич киритилган, уларнинг кўпчилиги табий сув таркибида мавжуд, баъзилари эса сувнинг сифати учун қўшилади. ($\text{Al } (\text{SO}_4)_3$, FeCl , полиакриламид, полифосфатлар, хлор, озон ва бошқалар.).

№	Кўрсаткичлар	РЭМ меъёри	РЭМ меёрлари
1	Қолдик Al	0,5	0,5
2	Бериллий Be	0,002	
3	Молибеден Mo	0,25	

4	Маргумуш As	0,05	
5	Нитратлар NO_3	45,0	
6	Қолдиқ полиакрил-амид	2,0	
7	Құрғошин Pb	0,03	
8	Селен Se	0,001	
9	Стронций Sr	7,0	
10	Фтор	I – II иқлим шароитида – 1,5 III - ----- - 1,2 IV - ----- - 0.7	

№	Сувнинг органолептик хоссаларига таъсир этувчи кўрсаткичлар.	Меъёри
1	Водород кўрсаткичи Ph	6,0-9,0
2	Темир Fe	0,3
3	Сувнинг умумий қаттиқлиги	7,0 мг ЭКВ
4	Марганец Mn	0,1
5	Мис Cu	1,0
6	Қолдиқ полифосфатлар (PO_4)	3,5
7	Сульфатлар (SO_4)	400-500
8	Хлоридлар (Cl)	250-350
9	Рух (Zn)	30
10	қуруқ қолдиқ	1000

Биринчи жадвал сувларнинг токсикологик нүқтаи-назардан ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласи, иккинчи жадвал эса сувнинг органолептик хусусиятлари бузилишини олдиниолади.

“ №	Органолептик кўрсаткичлар	Меъёри.
1	20^0 ва 60^0 қиздирилганда сувнинг ҳиди	2 балгача
2	20^0 ҳароратда сувнинг мазаси	2 балгача
3	Сувнинг ранги	20^0 гача (35^0)
4	Сувнинг лойқалиги	1,5 мг,л (2 мг,л)

Сув таркибининг юқоридаги кўрсаткичларидан ташқари стандарт талабига кўра саноат-корхона, қишлоқ-хўжалик экинлари, хўжалик оқава чиқинди сувларининг таркибидаги кимёвий моддаларга ичимлик суви учун РЭМ ишлаб чиқилди ва чиқилмоқда.

Кичик аҳоли яшаш жойларини сув билан таъминлаш.

Кичик қишлоқлар, посёлкаларни ичимлик суви билан таъминлашда шахта кудуклари, парма-қувур кудуклари, кудуклар, булоқли капитажлар (яъни булоқни ўраб турадиган иншаотлари) ёрдамида бажарилади.

Одатда ер ости суви келиб турадиган шахта кудукларидан бир суткада 1 дан-10 м³ гача сув олиш мумкин. Ер ости сувлари сув ўтказмайдиган жинслар қатлами остидаги соҳага ўтиб кетиши мумкин. Бу участкада улар қатламлараро сувга айланиб, сув ўтказмайдиган ложа билан сув

ўтказмайдиган тон ўртасига жойлашиб олади. Пармалашда сувга дуч келинадиган чукурликдан қудуқда юқорига күтариладиган қатламлараро сув босими билан чиқадиган сув ёки артезан суви деб аталади. Қатламлараро сувлар 15 метрдан бир неча юз метргача чукурлика бўлади. Ер ости сувлари ер юзига ўз-ўзидан чиқиши мумкин. Булар булоқчалардир. Рельеф тушганда (масалан. Тоғнинг ён бағри, чукур сойлар) ер ости суви сақланадиган тегишли қатлам ёрилиб кетса, ер юзига ер ости сувлари ҳам, қатламлараро сувлар ҳам чиқиб кетиши мумкин. Кўп ҳолларда булоқ сувларининг сифати яхши бўлмайди. Бу эса булоққа суви келиб турадиган қатламга ва капитажнинг (булоқни ўраб турадиган иншаот) қандай курулганлигига боғлиқ.

Ер ости сувларидан фойдаланишда уларни ифлосланишдан сақлаш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

1. Қудуқ бор жой уша ернинг рельефидан юқори бўлиши ва тупроқни ифлослантирадиган обьект ва манбалардан иложи борича олисрекда бўлиши керак. У ботқоқланиб қолмаслиги ёки тошиб кетмаслиги лозим. Қудуқдан фойдаланишда унинг атрофидаги территория тупроғини ифосланишдан муҳофаза қилиш зарур.
2. Қудуқ ёки капитаж девори сув ўтказмаслиги керак. Ер юзасидаги сувлар сув сақланадиган қатламга ёки қудуққа иншаотлар девори яқинидан ва шу девор орқали сизиб ўтиб кетмаслиги учун қудуқлар деворларининг юқори қисми атрофига пахса девор қилинади.
3. Сув олинадиган қудуқ ёки капитаж оғзи берк туриши ва уларга ташқаридан ифлос нарсалар тушмаслиги керак. Кўп тажрибалар шуни қўрсатадики, ер ости сувлари тупроқ орқали фильтлангандагига караганда қудуқ ёмон қурилганда, қопқоғи бўлмаганда ёки ҳар ким ўз челагида сув олганда, унга ифлосликлар тушганда микроблар билан кўп заарланаркан. Қишлоқ жойларида шахта қудуқлари қурилади. Улар учун баланд ердан қудуқнинг ифлослантириши мумкин бўлган манба (хожатхона, ахлатхона ва бош.) лардан узоқда жойлаштириши лозим.

Қудуққа жавобгар шахс ДСЭНМга лабаратория намуналари олиб боради, заарсизлантиришга қарайди, тозалигига ҳисобот беради

Назорат саволлари

1. Атмосфера хавосини мухофаза килишга каратилган чора тадбирлар .
2. Технологик чора тадбирлар санитар-техник чора тадбирлар.
3. Санитар –техник чора тадбирлар.
4. Ичимлик сувини эпидемиологик томондан хавфсизлигини таъминловчи курсаткичлар ва меъёрлари.
5. Сув ва сув таъминоти гигиенасидан амалдаги меъёрий хужжатлар.
6. Узбекистон ахолисини ичимлик суви билан таъминлаш муаммолари.
7. Махаллий сув таъминоти устидан утказиладиган ЖСН врач вазифалари
8. Марказлаштирилган сув таъминоти устидан утказиладиган ЖСН врач вазифалари.
9. Ичимлик сувидан синама олиш нукталари синама олиш сони нималарга боғлик.
- 10.Марказлаштирилган сув таъминоти устидан утказиладиган санитария назорат турлари.
- 11.ДавСт 950 – 2000 буйича ичимлик суви сифатини назорат килиш коидалари.
- 12.Махаллий сув таъминоти маънбалари ва уларга куйиладиган гигиеник талаблар.
- 13.Ичимлик сувининг органолептик курсаткичлари ва меъёрлари.
- 14.Ичимлик суви таркибида кимёвий моддаларнинг пайдо булиш коидалари.
- 15.ДавСт 950 – 2000 буйича ичимлик сув сифатига куйиладиган гигиеник талаблар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Гигиена» проф. Демиденко Н.М. тахрири остида Т. 2003 и
2. Акулов К.И. Буштуева К.А. «Коммунальная гигиена» Москва 1986 и.
3. Руководство к лабораторным занятиям по коммунальной гигиене Гончарук Е.И. Москва 1990 и
4. Ш.Т.Отабоев, Т.И.Искандаров «Коммунал гигиена» Тошкент 1994 и
5. Коммунал гигиенадан амалий машгулотлар . учун укув кулланма.Академик Искандаров Т.И. тахрири остида. Т. 2006Й Күш и мча.
6. Искандарова Г.Т. «Рациональные сан. гиг. проблемы охраны водоисточников» водоснабжение население в стационарных условиях РУз. Т. 2001г.
7. ДавСТ 950-2000 «Ичимлик суви»
8. «Маъруза матнлари»

З-амалий машғулот: Ишлаб чиқариш корҳоналарида ишчилар саломатлик ҳолатини долзарб муаммолари.

Ишдан мақсад: Ахоли саломатлигини мухофазалаш ва уни яхшилаш умумдавлат ахамиятга эга булган тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни текшириш усуллари, ишловчилар касалланишини ўрганиш, бу кўрсаткичларни хисоблаш ва уларга баҳо бериш кўнікмаларини шакллантириш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар гурухларда топшириқни ечишади (Ҳар бир мавзу бўйича топшириқлар V-бўлимда келтирилган).

Ахоли саломатлигини мухофазалаш ва уни яхшилаш умумдавлат ахамиятга эга булган тадбирларидан биридир. Указилган капа хажмдаги илмий текшириш ишлари натижалари шундан далолат берадиларки, ишловчиларни касалланиши тахлили, ҳар бир конкрет муассасада мавжуд касалланиши ортишига олиб келувчи сабабаларни аниклашга ёрдам беради.

Саломатликнинг ифодаси, курсаткичлари, согликка таъсир этувчи омиллари.

Бутунжаон согликни саклаш ташкилотининг ифодасига кура, соглик (саломатлик) факат. касаллик еки жисмоний камчилликлар йуклиги булмай, тула жисмоний, руҳий ва ижтимоий баркамоллиқдир. Дуне микесида соглик куйидаги курсаткичлар восйтасида урганилади ва баҳоланади:

- демографик (купайиши, улим);
- жимоний ривожланиши;
- касалланиши;

-ногиронлик. Юкорида келтирилган барча курсаткичлар, узаро боғликдир, уз урнида ҳар бири узининг маълум инфомация бериши ахамияти хам бордир. Демохрафик курсаткичлар восйтасида ишловчи ахолини (вилоят, шаҳар, туман) саломатлигига баҳо бериш ижтимоий гигиенада кулланиладиган услублардан фарқ килмайди. Бу йуналишдаги текширувларда ахолини табиий харакати -улим, тугилиш ва улик тугилиш масалалари алоҳида ахамиятни ташкил этади.

Мехнат гигиенаси амалиётида тугилиш курсаткичлари алоҳида урганилмайди ва уни бошқа курсаткичлар жамиси урганилади. Бу йуналишда болаларни улик тугилиши алоҳида ахамиятга эга, бунга турли анамолиялар билан хамда мажрук тугилиши хам куриш хам мумкин.

Бу курсаткичлар заарли ва хавфли омилларниаел колдирилиши фаолиятига (мутаген, эмбриотоксик гонадотоксик ва бошқа) таъсирини урганиш энг етакчилардан бири хисобланада. Бу йуналишдаги маълумотлар манбаи давлат статистика муассасаларининг хисботлари ва перинатал улим хакида гувоҳнома «хисобланади», катор холларда ишловчилар саломатлигини

урганишда улим сабаблари хам урганилади. Бу маълумотларни ёш, жинсига касб билан бодлик холда таҳлили, иш жойига заарли омилларни таъсирини урганишда кулланилади. Бу йуналишдаги маълумотларни манбаи булиб, улим хакида врачлар '-далолатномаси хисобланади.

Жисмоний ривожланиш саломатликни энг объектив курсаткичларидан биридир. Жисмоний ривожланиш деганда организмни ушиш ва шакланишини тавсифловчи, морфологик ва функционал жамламаси тушунилади. Жисмоний.- ривожланипши баҳолашда куйидаги мансуб, З та гурухдаги белгилар урганилади:

- 1.антропометрик (буий, тана вазни кукрак кафаси айланаси);
- 2.физиометрик (упканинг тириклиқ сигими, мушак кучи ва бошкалар);
- 3.самотоскопик (тана тузилиши, мушаклар ривожланиши, упка кафаси тузилиши ва бошкалар).

Ногиронликни урганиш хам маълум даражада ишловчилар саломатлигини урганишдан маълумот беради. Бу хакида маълумотларнинг манбаи булиб, житмоий таъминот булимлари томонидан берилган хужжат «маълумотнома» хисобланади. Мехнат гигиенаси врачи, уз фаолиятида ишловчилар саломатлиш холатини асосан касалланиш курсаткич оркали баҳо беради. Чунки ишловчилар саломатлигига асосан бажараётган иш, иш шароитлари ва ишни ташкил килиш билан бодлик омилларни таъсири бу курсаткичда туларок акс этади ва улар орасидаги бодланишларни аникланишини иложиси бор. Аммо юкорида келтирилган омиллар туркуми бошка курсаткичларда намоен булмас экан деган хулосага келиши хам мумкиндир. Чунки у ёки бу даражада демографик курсаткичларда хам куриш мумкин, лекин қунайиш ва улим натижалари хакида хар бир корхонадан олинадиган маълумотларни камлиги туфайли етарли маълумот бермайди.

Физик ривожланиш курсаткичи корхонада" усмирлар саломатлигини урганишда еткачилардан хисобланади. Аммо маълумотларга кура, корхонада мавжуд усмирлар сони бир фоиздан ошмас экан.

Ногиронлик холатлари хам ишлаб чикириш туфайли вужудга келиши мумкин, аммо бу ходисалар кам учрайди. Умуман согликка таъсир этувчи омиллар икки гурухга булинади:

- 1.табиий
- 2.ижтимоий

1 Табиий гурух деганда куйидагилар кузда тутилади; -иклим ишлаб чикириш корхонасини кайси иклим шароитида жойлапп анлиги кузда тутилади. Масалан, Узбекистон иклими шароитида яшовчилар иситувчи микроиклим таъсирига мосланганлиги сабабли иш жойларида бу омилни таъсири совук иклим шароитида яшовчиларга нисбатан су строк булди.

-географик жойланиш - бунга мисол булиб, тогли худудларда пастрок атмосфера босими шароитида, яшовчи ахоли упка хаводаги кислородни паст

шароитига мослашганлиги сабабли улар иш шароитларида бундай холатларга чидамили буладилар.

- ахоли зичлиги - бевосита саломатликка таъсири биринчи навбатда ташки мухит шароитлари холати, озик-овкат махсулотлари билан таъминланиши ва бошкalarга boglikdir.

Юкорида кайт этилгандан ташкири бу гурухда ишловчиларни кайси этник гурухга мансублик омилига киради.

Чунки хар бир миллат ва элатларни турмуш тарзи урф одати овкатланиши кабилар киши саломатлигига бевосита таъсир курсатади. Ижтимоий гурух - бу гурухга киравчи омилларга уй жой шароитлари киради. Шароитлар мукамма) I булган уй жой шароитларида яшовчилар саломатлиги билан нокулай шароитда яшовчилар саломатлиги уртасидаги фарқ жуда куп турли йуналишлардаги илмий тадқикотлари асосида исботланган.

Моддий таъминланганлик хам етакчи омиллар туркумiga киради. Саломатлик бевосита касб билан хам boglikdir.

Чунки инсон касби бевосита бажарилаёттан иш ва иш шароитлари ва ишни ташкил этилганлиги таъсири билан boglik булади. Касб билаи •boglik бажариладиган ишни тури ижтимоий, аклий ишнинг оғирлигига жиҳдийлиги даражаси, ишловчи организмида узига хос силжишларга олиб келади.

Иш шароитларини кайси сифатига мансублиги 1 - синф оптималь, 2- синф йул куйилиб буладиган, 3- синф заарли, 4-синф хавфли хам юкоридаги оқибатларга сабаб булади, Бунта кушимча равишда ишни ташкил этилганлигини курсатигерак. Ишлаш ва дам олишни давомийлиги, ишнинг кандай бажарилиши кулда механизм воситаларида, автоматлашган тизими башкариш ва хоказалар.

Ишловчилар касалланишига таъсир этувчи омиллар уларнинг узора boglikлигини urgаниш учун маълумотлар.

Ишловчилар касалланишини urgаниш ишларини амалга ошириш дастурини тугри тузиш, олинадиган маълумотларни ишонарли ва объектив булишини белгилайди. Бу йуналишдаги ишларни амалга оширишда биринчи навбатда ишловчилар саломатлигига бевосита ва билвоситатасир этувчи омилларни аник белгилаш тадқикотларини мухим амаллари хисобланади.

Ишловчилар касалланишига таъсир этувчи омиллар куйидаги 4 та гурухга булинади:

- 1 - гурух биологик;
- 2 - гурух тиббий -ижтимоий;
- 3 - 1урух тиббий ердамЧи мурожат этишига таъсир этувчи;
- 4 - гурух ишлаб чикариш омиллари.

Биологик омиллар гурухи деганда ишловчилар ёши, жинси, ангропометрик (буйи, узунлиги, тана вазни), физиометрик (упка, хаётий сигими, мушак кучи ва чидамилиги), самротметрик (харакат таянчи ашгаратларини упка кафас туэилиши, оек шакли, ег катлами, холати, тери тузилиши), юрак кон томир тизими, кон ва кон ишлаб чикариш органлари,

овкат хазм килиш органлари, моддалар алмашинуви ички секреция безлари, сезги органлари, юкори асаб фаолияти холатлари ва бошкалар.

Тиббий -ижтимоий гурухга ишловчиларни меҳнат фаолиятини бошлангунча саломатлиги оиласидай ахволи, оиласлик «холати, буйдок, фарзанди ва уларнинг сони ва яшаш шароити ва бошкалар киради.

Тиббий ёрдамчи - мурожат этишига таъсир этувчи омиллар гурухига биринчи уринда тиббий ёрдамни хаммабошшги ва унинг сифатини курсатиш керак.

Ишлаб чикриш корхонасида тиббий ёрдам хизматини мавжудлиги согломлаштириш пункта, тиббий санитария кисми ижобий холагидир. Бундай муассасаларни бевосита ишлаб чикаришда мавжудлиги ишловчиларга уз вактида тиббий ёрдам курсатишни таъминлайди. Бу эса уз урнида касаллик туфайли иш кобилиятини йукотишни олдини олишга ёки ишсизлик уринларипи камайишига олиб келади. Мавжуд тиббий ёрдамни сифати хам мухим ахамиятта эга. Фельдшерлик врачлик пункти бугунги кунда амалдаги коидаларга кура саломатлик пунктлари корхоналарда ишловчилари сонини 400 дан ортик булган холларда ташкил этилади. Худудий поликлиникалар хисобида ишловчилар сони, юкоридаги ракамдан кам булган холда ишловчиларга тиббий ёрдам курсатиш пунктларини бевосита корхона хисобидан ташкил этипти-фельдшерлик холлари мавжуддир.

Бу масалада мавжуд тиббий ёрдамни сифати хам мухим ахамиятта эга. Саломатлик пунктлари ва тиббий санитария кисмларини кай даражада моддий таъминлаганлигини, малакали мутахассисларни мавжудлиги кузда, тутилади.

Инсон саломатлик холатига игу жумладан ишловчиларни хам сезиларли таъсир этувчи омиллардан бир шахсни уз саломатлигига булган муносабатини хам алохидатай курсатиш максадига мувофикдир. Согликдаги содир булган узгаришларга уз вактида эътибор бераб шифокорга мурожат этиш касалликларни тезда даволаниш хамда асоратларини колмаслигига замин хисобланади. Касаллик туфайли иш кобилиятини йукотиш холларини кескил камайишига олиб келади.

Ишлаб чикариш омиллари туркумидан аввал таъсир этувчи омил турини курсатиш керак; физиковий, кимёвий, биологик, руҳий -физиологик; чунки хар бир омилни турига караб таъсир оқибатлари турлича булади. Омилни таъсир этувчи микдори ва вакти хам кузда тутилади. Бу борада омилларни таъсир этш 11 шароитларини эътибордан четда колдириш керак эмас. Чунки кун холларда омилларни организмга салбий гаъсирида бу омил етакчи урин тутади.

в) бунда кутилаётган ва ҳакиқий йўқотишлар орасидаги фарқ у ёки бу даволашпрофилактика чора-тадбирларининг иқтисодий самарасини ташкил этади:

$$I.C. = P_i - P_g$$

Ушбу ҳолатда сўз кенг маънодаги иқтисодий самара ҳақида эмас балки фақат у ёки бу тиббий чора-тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бевосита иқтисодий натижа ҳақида бормоқда. Ушбу усулда етакчи ўринни ижтимоий-иктисодий омиллар эмас балки йўналтирилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари эгаллайди, чунки ижтимоий - иқтисодий омиллар касалланишлар даражасида кескин тебранишларга олиб келмайди.

Даволаш чора-тадбирларининг иқтисодий самарасини касалликларнинг алохida нозологик шакилларининг катталигини ўзгариши билан ҳам боғлаб ўрганиш мумкин.

Бундай ёндашув энг обектив ҳисобланади, чунки айнан касалликларнинг сони у ёки бу соғломлаштириш чора-тадбирларнинг охирги натижасидир. Бундан ташқари, аниқ ҳисобга олинадиган касалликлар сони миллий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар билан ҳам осон равища солиштирилиши мумкин.

Мавзу: Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг оқибатлари ва унинг олдини олиш масалалари.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши атроф муҳитга, жумладан иқлимга, сувга, тупроққа, ўсимликлар дунёсига, ҳайвонлар ва одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Атмосферанинг ифлосланиши натижасида йирик шаҳарлар ва саноат марказлари микроиклимида яққол ўзгариш сезилади. Бу ҳудудларда ҳаводаги аэрозоллар қуёш нурининг кўп қисмини ютиб олиб, уни ерга кам ўтказади. Ифлословчи моддалар концентрациясининг ошиши натижасида бундай жойларда булутли ва туманли кунлар кўпайиб, қуёшли очик кунлар сони камайиб бормоқда. Масалан, Парижда кейинги 50 йил давомида булутли кунлар сони қарийб 60 кунга кўпайди. Атмосферанинг тиниқлик коэффициенти бу ерда атрофдаги бошқа шаҳарлардан кўра 3,5% камдир. Самарқанд шаҳрида унинг атрофига нисбатан баъзи йилларда 6

маргача кўп туман тушиши ва 11 мм. гача кўп ёғин ёғиши аниқланган. Инсон фаолияти салбий таъсирининг яна бир маҳсули — ишлаб чиқарилаётган иссиқлик энергиясининг кўпайишидир. Бунинг оқибатида саноат марказларида ва йирик шаҳарларда иқлим ҳарорати нисбатан юқори бўлади. Масалан, Москванинг маркази билан унинг атроф районларидаги ҳавонинг ҳарорати ўртасидаги фарқ $4,9^{\circ}\text{C}$ гача бўлиши кузатилган. Атмосфера ифлосланишнинг сувга ҳам таъсири бор. Атмосферага чиқарилган чанг ва газсимон ташланмаларнинг кўпчилиги ёғин-сочин билан ерга қайтиб тушиб, ер уста ҳамда ер ости сувларига қўшилади ва бу сувлар билан оқиб бориб, денгиз ва океанларга тушади. Бундан ташқари, улар денгиз ва океанларга ёғин-сочин билан ҳам бевосита тушадилар. Ҳар ҳолатда ҳам заарли моддаларнинг сувга тушиши сувда яшовчи барча ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаётини хавф остига қолдиради. Атмосферадаги заарли аралашмалар тупроққа ҳам салбий таъсир кўрсатади. Айниқса ҳаво таркибидаги сульфат ангидрид гази ҳаводаги сув буғи билан бирикиб, сульфат кислота ҳосил қилган пайтларида ёқкан ёмғирдан кейин тупроқда нордон муҳит пайдо бўлади ва ундаги ҳаёт жараёнлари издан чиқади.

Атмосферанинг ифлосланиши ўсимликларга ёмон салбий таъсир кўрсатади. Заҳарли моддалар, ҳавода тарқалган кул зарралари, кўмир ва кокс чанглари тупроқнинг физик хусусиятларини ёмонлаштиради, ўсимликнинг вегетатив қисмлари сиртига тўғридан-тўғри тушади ёки унга тупроқдан илдиз орқали сўрилади. Улар ўсимликнинг япроғи устини қоплаб, ўсимлиқдаги озиқланиш (фотосинтез) ва ассимиляция жараёнини сусайтиради, ҳаводаги металл чанглари, суперфосфат ва сульфат кислота бирикмалари илдиз системасини заҳарлаб, ўсимликнинг ўсишини тўхтади ва уни ҳалок қиласи. Ўсимликлар учун айниқса олтингургурт гази, водород фториди, хлор ва бошқа моддалар заарлилар. Канаданинг Трейл шаҳрида 1929-1937 йилларида рух ва қўрғошин эритиладиган йирик корхоналардан чиқкан олтингургурт гази 25 км гача масофадаги экинларни нобуд қилган. Фтор ва унинг бирикмалари ҳам ўсимликлар учун ўта заарли ҳисобланади. Швейцариянинг Аарау водийсида жойлашган алюминий заводи атрофида кўплаб дарахтлар нобуд бўлган. Сурхондарё вилояти чегарасининг яқинида жойлашган Тожикистон алюминий заводининг заарли таъсири ҳам бир неча ўнлаб чакирим жойларга етиб бормокда — Денов, Узун, Сариосиё ва Олтинсой туманлари ҳудудида гуркираган боғлар ўрнида «индустрисл саҳро»лар пайдо бўлган.

Атмосферанинг ифлосланиши ҳайвонларнинг нафас олиш йўлларини шикастлади. Атмосферадаги заарли моддалар сув ва ўсимликлар билан ҳайвон организмига ўтиб, у ерда тўпланади ва организмда турли касалликларни келтириб чиқариб, ҳайвонни ҳалок бўлишгача олиб боради. Германиядаги мис эритиш заводи ҳамда Швейцариядаги алюминий заводи атрофидаги яйловларда боқилган қорамоллардан кўпчилиги заҳарланиб нобуд бўлган ҳоллари маълум. Атмосферанинг дэхкончиликда қўлланилган кимёвий заҳарлар билан ифлосланиши оқибатида қўпгина кушларда

бепуштлик аломатлари пайдо бўлиб, уларнинг тухумидан палапонлар чиқиши камайиб кетди. Бу эса табиатда баъзи турларнинг, айниқса тухум сони кам бўлган йиртқич қушларнинг камайиб кетишига олиб келди. Атмосферанинг ифлосланиши айниқса инсон учун ўта заарлидир. Шаҳарларда қуёш нурининг камлиги, ультрабинафша нурларнинг етишмаслиги патоген бактерияларнинг ривожланишига шароит яратади, одам организмида иммунитетни пасайтиради ва организм турли касалликларга тез чалинади. Ҳавонинг ифлосланиши йўтал, бош айланиши, ўпка ва кўз касалликларига, организмнинг умумий заҳарланишига ва иш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади.

Ҳаво оқими суст бўлган жойнинг атмосферасида тўпланган заҳарли моддалар ҳаво намлиги билан бирикиб, *смог* (*захарли туман*) ни ҳосил қилиши мумкин. Бундай смоглар аҳоли орасида оммавий касалликлар ва қўплаб ҳалок бўлиш ҳодисаларини келтириб чиқаради. 1952 й. 5-9 декабрда Лондон устида пайдо бўлган смог таркибида сульфат ангидрид, азот оксидлари, алдегидлар, хлорли углеводородлар ва шунга ўхшаш бошқа заҳарлар тўпланган. Бу смогнинг таъсиридан 4 минг киши ҳалок бўлган ва 10 минг киши оғир хасталанган.

Ҳозирги вақтда айниқса фотокимёвий смогларнинг хавфи қўпайди. Бундай смогларни пайдо қилувчи манба автомобиллардан чиқсан газлардир. Фотокимёвий смог биринчи марта 1943 йилда Лос-Анжелес шаҳрида содир бўлиб, у кейин бу ерда тез-тез бўлиб турадиган бўлди ва аҳолини оғир ахволга солиб қўйди. Ҳозир бундай фотокимёвий туманлар АҚШ нинг кўпгина шаҳарларида, Токио, Сидней, Мехико ва Буэнос-Айресда ҳам содир бўлмоқда.

Атроф муҳитнинг радиоактив моддалар билан ифлосланиши инсон учун айниқса даҳшатли воқеадир. Радиоактив моддалар организмга оғиз, бурун ва тери орқали ўтади. Улар инсоннинг суюк тўқималарида тўпланиб, органларни нурлантириш манбай бўлиб хизмат қиласи. Организмнинг нурланиш касалига чалиниши оққон касаллигини келтириб чиқаради ва қўп ҳолларда унинг ҳалокати билан тугайди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, атмосферанинг ифлосланиши биосферага, унда яшовчи барча тирик организмлар, жумладан инсон саломатлигига, жиддий зарар етказмоқда. Шунинг учун ҳам ҳавонинг тозалигини сақлаш ҳозирги куннинг долзарб масаласига айланди.

Атмосфера ифлосланишининг олдини олиши чоралари.

Атмосфера ифлосланишининг олдини олиш кўпқиррали мураккаб вазифа бўлиб, у турли тадбирларни бажариш орқали амалга оширилади. 1. Ҳавога зарарли моддалар ташланишининг рухсат этилган чегараси (ПДВ - ТРЭЧ) ни белгилаш. Атмосфера ифлосланишининг олдини олишда унга турли манбалардан чиқариладиган ифлословчи моддалар миқдорини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳавога зарарли моддалар ташланишининг рухсат этилган чегараси (ПДВ - ТРЭЧ) ҳамда ҳаводаги


заарли моддаларнинг рухсат этилган концентрацияси (ПДК - РЭК) кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва давлат стандартига киритилган. РЭК нинг кўрсаткичлари у ёки бу заарли модданинг маълум муддат ичида тирик организмларга зиён етказмайдиган миқдорини аниқлашга асосан ишлаб чиқилган бўлиб, у бир марталик максимал концентрация – РЭК_{бм} (20 мин.) ва суткалик ўртача концентрация – РЭК_{сў} (сутка давомида) каби кўрсаткичлар билан белгиланади. Ҳаводаги заарли моддаларнинг концентрацияси уларнинг ҳавога ташланадиган миқдорига боғлик.

2. *Ифлословчи моддаларнинг атмосферада тарқалиши қонуниятларини ўрганиш.* Ер юзида ҳаво оқимининг йўналиши ва тезлиги кўпгина омилларга, шу жумладан, Ернинг айланиши, ер юзасининг Куёш нуридан исиши даражаси, унинг рельефи, у ёки бу ҳудуднинг жойлашган географик ўрни, ҳаво қатламининг баландлиги, иқлим шароитлари каби ҳолатларга боғлик. Шунга мос равишда атмосферага ташланадиган заарли моддалар турли йўналишларда турлича тезликда ҳаракатланадилар. Ер юзидан баландлашган сари ҳаво оқимлари кучаяди ва уларга тушган заарли моддалар тез аралашиб, узоқ масофаларга тарқалади. Масалан, 1883 й. Индонезияда ҳаракатга келган Кракатау вулқонининг қули Европа мамлакатлари устида ўзига хос булултлар ҳосил қилган. Аммо, табиий ва техноген тусдаги заарли моддалар, одатда, атмосферанинг пастки, яъни ер устки қатламига чиқарилади. Уларнинг ҳавога тарқалиш тезлиги ва йўналиши маълум қонуниятларга буйсунади. Бундай қонуниятларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. саноат ва энергетика заарли моддаларининг имкон қадар баландроқса ташланиши уларнинг ҳавога аралашишини тезлаштиради ва узоқ масофаларга тарқалишига имкон яратади;
2. ҳавонинг намлиги юқори бўлганда унинг босими ошиб, ҳаракатланиши сусаяди. Бундай шароитда заарли моддаларнинг ҳавога аралашиши секинлашади ва ер сиртига чўкиши тезлашади;
- 3) ўрта кенгликларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, ҳаво массаси кўпинча ғарбдан шарққа томон ҳаракатланади ва шунга мос равишда заарли моддалар ҳам кўпинча ғарбдан шарқий ҳудудларга кўчади;
- 4) атрофи тоғлар билан ўралган ҳудудларда жойлашган аҳоли пунктларида ҳаво оқими суст бўлиб, улардаги саноат ва энергетика корхоналаридан ҳавога чиқарадиган заарли моддаларнинг ер сиртига чўкиш даражаси юқори бўлади;
- 5) рельефи нотекис бўлган ҳудудларда ҳаво оқими одатда юқоридан пастга ҳаракатланади. Шунга кўра тепаликда курилган саноат корхонасининг заарли чиқиндилари пастда жойлашган аҳоли пунктларини ифлослайди;

6. кўп қаватли уй-жой ва бошқа иншоотлар барпо қилинган йирик шаҳарларда ҳаво оқими нисбатан суст бўлиб, заарали моддаларнинг ҳавога тарқалиб кетиш имконияти чекланган бўлади;
7. транспорт ташлама чиқиндиларнинг ҳавога тарқалиши локал харатерга эга бўлиб, улар ер сирти ҳавосига ташлангани учун узоқ масофаларга кўчмайди.

Шуни эътироф этиш лозимки, ҳаво массаси оқимининг тезлиги ва йўналиши йилнинг турли мавсумларида ўзгариб туриш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам ҳавога заарали моддаларнинг аралашиб кетиши ва кўчиш йўналишини аниқлаш кўп йиллик ўртacha маълумотларга асосланиб, шамол йўналиши («роза ветров») га кўра қуидаги кўпбурчакли (одатда 8 бурчакли) чизма ҳолида тасвирланади.



Саноат корхоналарини жойлаштиришда худуднинг рельефини, ундаги шамол йўналишини ҳисобга олиш, саноат корхоналарининг тутун чиқарувчи мўриларини баландга кўтариш аҳоли пункти ҳавосининг тозалигини таъминлашга ёрдам беради.

Атмосфера ифлосланишини камайтириш йўлларидан бири тошкўмир ва нефть билан ишлайдиган саноат корхоналарини табиий газ ёқилғисига ўтказишидир. Шунингдек автомобиль транспортини газ ёқилғисига ўтказиш, унинг ёндириш тизимида ёниш эффектини ошириш ҳамда ёқилғини кам сарфлаш томонга такомиллаштириш асосида ташлама газларни камайтириш, электромобиллар тармоғини ривожлантириш кабилар ҳам бу ишга ижобий ёрдам беради. Атмосферани соф саклашда яшил ўсимликларнинг аҳамияти кўпқирралидир. Яшил ўсимликлар ҳаводаги чанг ва газларни ўзида тутиб қолади, карбонат ангидридини ютиб, кислород ажратади. Қуёшли кунда сатҳи 1 гектарга тенг бўлган ўсимликлар суткасида 280 кг гача карбонат ангидридини ютиб, 220 кг гача кислород ажратади. Шаҳарлардаги дараҳтзор боғлар ҳавосидаги чанг кўкаламзорлаштирилмаган жойга қараганда ёзда 42%, қишида эса 37% кам бўлади. Ўсимликлар ҳаводаги олтингургурт газини 60% гача ушлаб қолиб, ўз тўқималарида уни сульфатлар кўринишида тўплайди.

Ўсимликларнинг яна бир фойдали хусусияти, уларнинг ўзидан фитонцитлар ажратиб чиқариб, ҳавони патоген замбуруғлар ва бактериялардан тозалашдир. Бир гектар арчазор бир кунда 30 кг, байзи игнабаргли дараҳтлар, масалан, кедр қарағайи, бундан ҳам кўпроқ фитонцит ажратиб чиқаради.

Дараҳтлардан ажралған фитонцитлар ҳаводаги бактерияларни ўлдиргани учун ҳам ўрмонлар ҳавосида бактериялар сони шаҳар ҳавосидагидан 200-250 марта кам бўлади.

Яшил ўсимликлар шаҳарларнинг микроиқлимини мўътадиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Дараҳтлар иссиқ пайтларда атмосферага кўп сув буғлари чиқариб, ҳаво намлигини 20-30% га оширади. Бу эса шаҳар ҳавосини асфальт, бетон ва ғиштлар ҳароратидан қизиб кетишдан сақлайди. Шаҳарлардаги дараҳтлар, шунингдек, товуш тўлқинларини ютиб, шовқинни пасайтиради. Бу эса, ўз навбатида, инсонлар асабини тинчлантириш ҳамда уларнинг меҳнат қобилиятини оширишда муҳим ўрин тутади. Атмосферани турли заарли моддалардан муҳофаза қилишда ҳавога ташланадиган технологик чиқиндиларни маҳсус қурилмаларда тозалаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳавони саноат ташламаларидан тозалаши усуллари ва қурилмалари. Заарли ташламаларнинг чўкувчанлик даражаси ва бошқа хусусиятларига кўра уларни тозалаш усуллари ҳамда унда қўлланиладиган техник воситалар турли хил бўлади.

1. Аэрозол ташламаларни тозалаши. Аэрозол ташламалар механик йўл билан чангтутгичлар ёрдамида қуруқ усул, қуруқ - ҳўл усул ва ҳўл усулларда тозаланади.

Қуруқ усул гравитацион чўқтириш ва фильтрлашга асосланган. *Гравитацион чўқтириши* газни тиндириб ўтказувчи қурилмада ҳамда чангни чўқтирувчи камерада амалга оширилади. Бунда ифлосланган ҳаво қурилма ичida бир хил йўналишда секин ҳаракатланади ва ундаги ифлословчи аэрозоллар ўз оғирлиги билан чўқади. Бу усул чангли ҳавони 50 - 100 μm диаметрли чанг зарраларидан дағал тозалашда қўлланилади. Тозалаш даражаси 50% дан ошмайди. **Фильтрлаши** усули цемент ишлаб чиқариш ва металлургия корхоналарида электр фильтрлари ва енгли фильтрларни қўллаш билан амалга оширилади. **Электр фильтрлари** катталиги 2 μm бўлган чанг зарраларини тутишга мўлжалланган бўлиб, у тик металл камерадан иборат. Бу камера ичига тожлантирувчи ва чўқтирувчи электродлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг биринчисига манфий, иккинчисига мусбат электр кучланиши берилади. Электр майдонига тушган чанг зарралари чўқтирувчи электрод атрофида тўпланади. Тозалаш самарадорлиги 98% гача. **Енгли фильтрлар** кўпинча рангли металлургиядан чиқадиган чангли ҳавони тозалашда қўлланилади. Уларнинг металл корпуси ичida диаметри 220 mm ва узунлиги 4 м бўлган матодан тайёрланган енглар осиб қўйилган. Чангли ҳаво енглар орқали ўтиб, чанг зарралари енг ичida тутилиб қолади. Тозалаш самарадорлиги 99,9 % гача.

Қуруқ-ҳўл усул ҳавони погонали тозалашга асосланган бўлиб, бунда ҳаводаги

чанг зарралари дастлаб инерцион ва марказдан қочма чүктириш йўли билан тутиб қолинади. Инерцион чүктириш чангли ҳавони кўп жалюзли ва токчали чанг тутгичлардан тезлиги 1-3 м/с тезликда ўтказиш билан бажарилади. Бунда ҳаво катталиги 20 μm гача бўлган чанг зарраларидан тозаланади. Марказдан қочма чүктириш чангли ҳавонинг циклон ичидағи айланма ҳаракатидан пайдо бўладиган марказдан қочма кучлар таъсиридаги чүктириш бўлиб, бунда батареяли циклонлар ва айланувчан циклонлар (ротоциклонлар) қўлланилади. Бунда ҳаво катталиги 30 μm гача бўлган чанг зарраларидан тозаланади. Тозалаш самарадорлиги 90% гача. Инерцион ва марказдан қочма чүктиришларда тўлиқ тозаланмаган ҳаво оқими скрубберга юборилади ва бу ерда ундаги ифлословчи зарралар суюқлик пуркаш йўли билан тўлиқ чўктирилади.

Хўл услуб кимё саноатидан чиқадиган газ ва буғсимон ташламаларни тозалашда

2. Газ ва буғ ҳолатидаги токсик ташламаларни тозалаши. Газ ва буғ ҳолатидаги токсик ташламалар абсорбция, адсорбция, катализлаш, шунингдек термик усуслар билан тозалашга асосланган.

Абсорбция усули газ ҳолатидаги заарли аралашмаларни абсорберларда турли таркибдаги суюқ абсорбентларда (ютувчи суюқликларда) юттирилишига асосланган. Бунда тозаланувчи газлар аралашмаси пастдан юқорига, абсорбент эса унга қарши юқоридан пастга ҳаракатланади. Бундай ҳаракат натижасида тозаланувчи газлар аралашмаси суюқлик орқали тозаланиб ўтади. Аралашмани аммиак, водород хлориди ва водород фторидидан тозалашда абсорбент сифатида сув ва ишқорли эритмалардан, цианли бирикмалардан тозалашда темир купороси эритмасидан, нитроз газларидан тозалашда аммоний сульфати эритмасидан, ароматик углеводородлардан тозалашда эса қуюшқоқ мойдан фойдаланилади.

Адсорбция усули газсимон ва суюқ саноат ташламалари таркибидаги заарли компонентларни ультрамикроскопик тузилишга эга бўлган қаттиқ жисмларда (адсорбентларда) юттиришга асосланган. Бу жараён маҳсус қурилма – адсорберда амалга оширилади. Адсорбент сифатида кўпинча активлашган глинозем, активлашган кўумир, силикагел ва сланец қулидан фойдаланилади.

Каталитик тозалаш усули таркибида чанг ва катализаторни заҳарловчи моддаларни сақламайдиган саноат ташламаларидағи токсик компонентларни катализаторлар ёрдамида кимёвий парчалаб, заарсизлантиришга асосланган. Бу жараён маҳсус камераларда бажарилади. Бунда катализатор сифатида платина, палладий, мис оксиди, марганец оксиди кабилардан фойдаланилади.

Термик тозалаш усули енгил оксидланувчи (ёнувчи) токсик газлар ҳамда қўлланса хидли аралашмаларни ёндириб заарсизлантиришга асосланган.

Мавзу:Ўзбекистон республикасида соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш масалалари.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида муайян натижаларга эришилди.

Ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оиласиий поликлиникаларини ташкил этиш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими тақомиллаштирилди ҳамда аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди, фуқароларга, жумладан, жойларда юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғи тақомиллаштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Натижада 1991 — 2017 йилларда умумий ўлим кўрсаткичи 20 фоизга, оналар ва чақалоқлар ўлеми 3,1 баробар камайди. Ўртacha умр кўриш давомийлиги 1995 йилга нисбатан 4,6 йилга ошиди ва бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини ташкил этишда сўнгги йилларда тўпланиб қолган тизимли камчилик ва муаммолар фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш ва режалаштириш бўйича концепция ҳамда стратегик мақсадларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислоҳотлар тўлиқ бўлмаган шаклда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолининг тиббий ёрдам сифатига доир истак ва талабларига жавоб бермаяпти;

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги сметали молиялаштириш тизими эскирган, замонавий халқаро амалиётга мос келмайдиган механизмларга

асосланган бўлиб, молия ресурсларининг самарасиз ишлатилишига ва соҳанинг сурункали тарзда молиялаштирилмай қолишига олиб келмоқда;

учинчидан, касалликларни профилактика қилиш ва барвакт аниқлаш, патронаж ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишлар самарадорлигининг пастлиги фуқароларнинг ихтисослашган тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилишининг кўпайишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли даражалари ва босқичлари, шу жумладан, даволаш ва саломатликни тиклаш жараёнида узвийлик суст ривожланган;

бешинчидан, амалдаги кадрлар сиёсати тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида, айниқса, бирламчи бўғинда мутахассислар билан таъминлашнинг, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотчилари ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг истиқболларини прогнозлаштириш имконини бермаяпти;

олтинчидан, тиббий амалиётнинг таълим ва илм-фан билан интеграцияси сустлиги ихтисослаштирилган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги билан биргаликда замонавий тиббиёт ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этишга салбий таъсир кўрсатмоқда;

еттинчидан, электрон соғлиқни сақлаш соҳасида ягона стандартлар мавжуд эмас, тиббий хизматнинг интеграциясини ва самарали бошқарилишини таъминлайдиган замонавий дастурий маҳсулотлар жорий этилмаган, мавжуд ахборот тизимлари ва технологиялари тарқоқ тусга эга ва тор йўналишларга мўлжалланган.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш ва молиялаштиришнинг концептуал жиҳатдан янги моделларини шакллантириш, тиббиёт фани ва технологияларининг замонавий ютуқларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансан:

соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва bemorlar xukouqlarini ximoya қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ximoya langanligini kuchaytireshga qaratilgan tufri dan-tufri taъsir қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

жаҳон стандартлари асосида менежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган

замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг «кластер» моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредитация қилиш, шифокорлик ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тизимини жорий этиш;

тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гурухлари бўйича «ҳар бир даволанганд ҳолат» учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш;

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида;

«электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

2. Қуйидагилар:

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастан) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилаб қўйилсинки, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастанда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг қўйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсан:

2019 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг З-иловага мувофиқ айрим туманларида тиббиёт муассасаларини «ҳар бир даволанганд ҳолат» учун клиник-харажат гурӯхлари бўйича ва киши бошига молиялаштириш тизимини (кейинги ўринларда — молиялаштиришнинг янги механизмлари) эксперимент тартибида жорий этиш;

эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиш асосида молиялаштиришнинг янги механизмларини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш;

2019 йил 1 июлдан бошлаб вилоят ва туман (шахар) даражасидаги стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш тизимини жорий этиш, бунда кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига кирмайдиган даволаш турлари пулли асосда амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб айрим даволаш-профилактика муассасаларини ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳалари) асосида белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш;

2021 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида мажбурий тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик):

а) Молия вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қўйидагиларни назарда тутадиган «Мажбурий тиббий суғурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳуқуқий асослари, механизмлари ва жорий этиш босқичлари;

мажбурий тиббий суғурталаш субъектларини, ушбу соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича ваколатли органни, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

мажбурий тиббий суғурталаш дастурларини молиялаштириш маблағларини шакллантириш манбалари;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу Фармонни амалга оширишда техник кўмакни таъминлаш, шу жумладан, мажбурий тиббий суғурталашни жорий этиш бўйича тадбирларни техникиқтисодий асослашни амалга ошириш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни ташкил этиш чораларини қўрсинг.

5. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) ташкил этилсин ва унинг таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ишчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб Концепцияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда сифатли ишлаб чиқиш ва киритиш ҳамда амалий чоралар кўрилишини ташкил қилиш белгилансин.

Ишчи комиссия (А.А. Абдуҳакимов):

бир ҳафта муддатда вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг мутахассисларини, фуқаролик жамияти институтлари, етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт групкаларини тузсин, уларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани танқидий таҳлил қилиш асосида тайёрланишини таъминласин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчил ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши ва киритилиши, шунингдек, Дастурда назарда тутилган бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши устидан доимий назоратни амалга оширасин;

2019 йил 1 апрелга қадар муддатда айrim даволаш-профилактика муассасаларини белгиланган тартибда инвесторларга ишончли бошқарувга бериш бўйича инвестиция лойиҳаларини тайёрласин ҳамда уларнинг

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг Инвестиция порталида жойлаштирилишини таъминласин;

соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг намунали давлат-хусусий шериклик амалиётларининг мониторингини ва кенг татбик этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин, қўйидагилар унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг ягона сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

ногиронликни белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш мақсадида норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедик буюмлар ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик мустақил юридик шахс бўлиб, ўз баланси, банк муассасаларида ҳисобвараклари, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган муҳрига эга бўлади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қиласи;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган бир нафар ўринбосарга эга бўлади;

Агентлик директори ўз мақоми, майший, тиббий ва транспорт хизмати шартшароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринbosарига тенглаштирилади;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

8. «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар, имконияти чекланган шахслар учун республика ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Одам савдоси қурбонларига ёрдам қўрсатиш бўйича республика реабилитация маркази белгиланган тартибда Вазирлик таркибидан Агентлик тасарруфига ўтказилсин.

9. Вазирлик икки ой муддатда Агентлик тузилмаси ва унинг низомини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

Белгилансинки, Агентлик фаолиятини ташкил этиш давлат соғлиқни сақлаш тизими органлари ва ташкилотларининг штат сонини оптималлаштириш ҳисобидан «Соғлиқни сақлаш» тармоғи учун ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

10. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори лойиҳасини;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидагиларни назарда тутадиган тиббий таълим ва тиббиёт фани тизимини янада ривожлантириш бўйича қарори лойиҳасини:

ўрта ва олий тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-услубий материаллари ва назарий машғулотларни янада оптималлаштириш ва амалий машғулотларни кўпайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши, шунингдек, уларни тиббиёт фани ва амалиётининг умумжаҳон ютуқларига мувофиқлаштириш;

илғор илмий ишланмалар ва технологияларни амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилишда тиббий олий таълим муассасалари клиникаларининг ролини кучайтириш;

тор мутахассисликлар бўйича тиббий кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш, магистратура ва клиник ординатурада ўқитиши

муддатларини клиник кўникмаларни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиқсан ҳолда мақбуллаштириш;

олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини, соғлиқни сақлаш мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, муаммоларга йўналтирилган модулли ўқув дастурларини жорий этиш, масофадан ўқитиш механизmlарини кенг қўллаш;

бошқарув ва ўқув жараёнига юқори малакали ва малакали хорижий мутахассислар, олимлар ва ўқитувчиларни кенг жалб этиш;

в) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчisi А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринbosари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,

2018 йил 7 декабрь,

ПФ-5590-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон
Фармонига
1-ИЛОВА

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш

концепцияси

I. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг бугунги ҳолати

Юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг самарадорлиги, сифати ва қурайлигини ошириш

таъминланди, БМТ Мингийиллик ривожланиш мақсадларининг асосий параметрларига эришилди.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқларга халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳо берилди. Масалан, аҳолининг умр кўриши 4,6 ёшга — 1995 йилдаги 69,1 ёшдан 2017 йилда 73,7 ёшга ошди.

Оналар ўлими кўрсаткичи 3,1 бараварга камайиб, 100 минг нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 21 та ҳолатни ташкил этди, чақалоқлар ўлими эса 3,1 бараварга камайиб, 1000 нафар тирик туғилган чақалоққа нисбатан 11,5 та ҳолатни ташкил этди. Болаларда энг кўп учрайдиган касалликларга қарши эмлаш ва профилактика тадбирлари билан қамраб олиш даражаси 96 — 98 фоизда қатъий сақланиб турибди.

Юқумли касалликларга қарши курашиш бўйича комплекс профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларининг жорий этилиши ўта хавфли юқумли касалликлар (ўлат, вабо), полиомиелит, дифтерия, чақалоқлар қокшоли, маҳаллий келиб чиқкан безгак, қизамиқ ва қизилча юзага келишидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини берди. Полиомиелитнинг ёввойи штамми (2002 йил), қизамиқ ва қизилча (2017 йил), безгак (2018 йил) йўқ қилинганлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатлари олинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ташкил этишда фуқаролар соғлигини сақлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид вазифаларни самарали ҳал қилишга тўсқинлик қилаётган айrim муаммоли масалалар ва салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, тармоқни комплекс ҳуқуқий тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги, ўлим ва ногиронликни келтириб чиқариш эҳтимоли катта бўлган касалликларнинг олдини олиш ва улардан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонуности ва идоравий ҳужжатларнинг ҳаддан ортиқ кўплиги соғлиқни сақлаш тизими барқарорлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Транспланология, кўмакчи репродуктив технологиялар, телетибиёт каби талаб юқори бўлган йўналишларнинг тартибга солинмаганлиги миллий соғлиқни сақлаш тизими тибиёт илм-фани ва амалиётининг замонавий ютуқларидан ортда қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунга қадар мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш учун шарт-шароитлар яратилмаган. Натижада ҳанузгача соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш асосан бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Республикада тибиёт хизматларининг клиник тавсиялари (баённомалари) ва стандартлари билан узвий боғлиқ клиник-харажат гурухлари (DRG тизими) ишлаб чиқилмаган.

Соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинининг профилактика, патронаж ва ўз вақтида даволаш-ташхис қўйиш ишлари, шу жумладан амбулаторияда даволашни охиригача етказиш самарадорлиги қониқарсизлигича қолмоқда. Бунинг натижасида аҳоли соғлигини сақлаш тизимида қиммат турадиган стационар ёрдам асосий ўринни эгалламоқда.

Аҳолига, айниқса болалар ва фертиль ёшидаги аёлларга патронаж хизмати даражаси паст эканлиги (72 — 77%) қайд этилмоқда, умумий амалиёт шифокорларининг билим ва қўникмалари даражаси оналар ва болаларга тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда таъминлаш имконини бермаяпти.

Соғлиқни сақлашнинг жадал ривожланаётган хусусий секторини давлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликка фаол жалб қилишга ғов бўлаётган тўсиқлар қўшимча молия ресурсларидан соғлиқни сақлаш учун самарали фойдаланиш имконини бермаяпти.

Тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари экстенсив тарзда ривожланмоқда, у ерда тиббиёт фанлари докторларининг 70 фоизи ишласада, уларнинг салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаяпти. ихтисослашган марказларнинг инновацион салоҳияти пастлиги шароитида тиббиёт амалиётининг таълим бериш жараёни ва илм-фан билан суст интеграциялашганлиги тиббиётнинг илгор ютуқларини даволаш-ташхис жараёнига жорий этиш қониқарсиз даражада эканидан дарак бермоқда.

Шу билан бирга, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимларини татбиқ этишдаги сусткашлик ва бунинг оқибатида шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари касбий билимлари даражасининг етарли эмаслиги кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тиббиёт ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилиш даражаси пастлиги, улар ижтимоий-хуқуқий ҳолатининг ўз зиммасига юкланаётган жавобгарлик даражасига мос келмаслиги малакали кадрларнинг тизимдан чиқиб кетиши ва коррупция ҳолатлари юзага келиши учун шароит яратмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги, тиббиёт ҳужжатларининг жуда катта ҳажми қоғоз шаклида юритилиши қабул қилинаётган қарорлар ижросини тезкор кузатиб бориш ва самарали ижросини таъминлаш имконини бермаяпти, шунингдек, ортиқча бюрократизм ва катта харажатларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган камчиликлар соғлиқни сақлашнинг сифатига бўлган аҳолининг тобора ортиб бораётган талабларини қондириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларга тезкорлик билдириш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш имконини бермаяпти.

Шу муносабат билан қуйидаги мақсадлар, вазифалар ва асосий йўналишларни назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали соғлиқни сақлашнинг концептуал янги моделини шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

II. Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадлари ва вазифалари

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий ҳужжатларига, шунингдек, Саломатлик-2020 ва Барқарор тараққиёт мақсадлари-2030 минтақавий сиёсати доирасида аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Концепция Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришган илғор мамлакатлар тажрибасига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган.

Концепция мақсадлари:

1. Касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевакт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш.
2. Тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни, аҳолини молиявий жиҳатдан ҳимоя қилишни ва ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш учун соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш.
3. Концепция вазифаларини бажариш ва республика аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бошқарув органлари салоҳиятини кучайтириш, уларнинг раҳбарлари роли ва жавобгарлигини ошириш.

Концепция вазифалари:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартлари ва тавсияларини имплементация қилган ҳолда тармоқни комплекс хукуқий тартибга солишни таъминлаш.
2. Фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида идоралараро самарали ҳамкорлик ва алоқалар механизмларини ривожлантириш, шу жумладан саломатликнинг ижтимоий ва иқтисодий детерминантларига салбий таъсир қўрсатаётган муаммоларни ҳал қилиш, соғлом ва хавфсиз атроф-муҳитни ривожлантириш, сув таъминоти ва санитарияни, соғлом овқатланиш, шу жумладан чақалоқлар

ва болаларнинг соғлом овқатланишини яхшилаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини шакллантириш.

3. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, шу жумладан санитария-эпидемиология хизматини ривожлантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, Халқаро тиббий-санитария қоидаларини жорий этиш ва бажариш.

4. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи ва иккиламчи даражадаги, тез тиббий ёрдам тиббиёт муассасаларининг самарали интеграциясини таъминлаш учун соғлиқни сақлашнинг туман бўғинини ислоҳ қилиш, она ва бола соғлиғини сақлашни мустаҳкамлаш, ихтисослашган ва паллиатив тиббий ёрдамни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш.

5. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда мажбурий тиббий сұғуртани босқичма-босқич жорий этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш.

7. Соғлиқни сақлаш тизими, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ташкилий тузилмасини функционал вазифалар ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаган ҳолда такомиллаштириш.

8. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини аккредитация қилиш, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

9. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, нарх белгилаш механизмларини такомиллаштириш, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш, уларни маркировкалаш ва трекинг тизимларини жорий этиш.

10. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини, шу жумладан илмий ва тиббиёт таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш), замонавий таълим дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

11. «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимларини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмuinи яратиш.

III. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш

1. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини бирхиллаштириш ва тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар қабул қилиш орқали норматив-хукуқий базани такомиллаштириш.
2. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини бир-бирига мувофиқлигига эришиш ва қўллаш учун қурайликлар яратиш мақсадида ягона ҳужжатда кодификациялаш, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодексини қабул қилиш.
3. Бепул тиббий ёрдамнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини хукуқий мустаҳкамлаб қўйиш.
4. Мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги норматив-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.
5. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги, шу жумладан оналар ва болаларни эмлаш, диспансеризация қилиш ва уларга кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Кўкрак сути ўрнини босувчи озуқа маркетинги тўғрисидаги халқаро кодекс нормаларини имплементация қилиш ҳамда Чакалоқларни ва кичик ёшдаги болаларни овқатлантириш тўғрисидаги миллий дастурни қабул қилиш.
6. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар маркетингини тартибга солишининг, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия билан шуғулланишга ва спорт тадбирларига жалб қилишга рағбатлантиришнинг хукуқий механизmlарини такомиллаштириш.
7. Тиббиёт ходимлари ўз касбий мажбуриятларига риоя этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизmlарини такомиллаштириш, шу жумладан Тиббиёт ходимларининг ахлоқ кодексини қабул қилиш ва уларнинг касбий жавобгарлигини суғурта қилиш.
8. Аҳолини, айниқса эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини ошириш.

2. Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш

1. Инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган давлат бошқарувининг замонавий шаклларини жорий этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий органлар тузилмасини такомиллаштириш.
2. Тиббий ёрдамнинг зарур босқичма-босқичлиги ва изчиллигини таъминлаш учун бир-бирини тўлдирувчи ва кучайтирувчи ҳар хил даражадаги ва тор ихтисосликдаги тиббиёт ташкилотларини бошқарувнинг ягона тизимига интеграция қилишни назарда тутувчи «кластер» ёндашуви асосида ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш.
3. Тиббий ёрдам кўрсатиш даражалари, ҳажми ва турлари бўйича тиббиёт ташкилотлари тоифалари классификаторини, шунингдек, уларни қуриш, моддий-техник ва аҳоли жон бошига ҳисоблаб чиқсан ҳолда, аҳоли зичлигини ва транспорт инфратузилмаси ривожланганинги ҳисобга олиб, кадрлар билан таъминлаш нормативларини ишлаб чиқиши.
4. Тиббиёт ва фармацевтика ташкилотлари ҳамда фаолияти гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар айланмаси билан боғлиқ ташкилотларни аккредитация қилишнинг, шунингдек, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашнинг механизmlарини илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва босқичма-босқич жорий этиш.
5. Халқаро стандартлар асосида менежмент ва тиббиёт хизматлари сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, шунингдек, аҳолининг соғлиқни сақлаш сифатидан қониқканлигини баҳолаш механизmlарини жорий этиш.
6. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг улар малакасига, кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб тоифалangan замонавий механизmlарини жорий этиш, шу жумладан қўлланилаётган тармоқ тариф сеткаси ўрнига тиббиёт ходими фаолияти натижаларига қараб клиник-харажат гурухлари ва жон бошига молиялаштиришнинг тегишли мезонларига кўра тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари ва ўзгарувчан (мукофотлаш) ставкасини жорий этиш.
7. Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари, айниқса қишлоқ жойлардаги муассасаларнинг тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиши.
8. Давлат санитария-эпидемиология назорати тизимини такомиллаштириш, уларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини, фуқаролар соғлиғи хавфсизлиги таъминланишини назорат

қилишдаги роли ва жавобгарлигини ошириш, касаллик қўзғатувчи омилларга лабораторияда ва экспресс ташхис қўйишнинг янги технологияларини жорий этиш.

9. Тиббиёт ташкилотларининг асбоб-ускуналар, сарфлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг ягона механизмлари ва стандартларини жорий этиш, уларни ҳисобга олишнинг ахборот тизимини яратиш.

10. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тиббиёт ускуналарига техник хизмат кўрсатадиган ва уларни метрологик текширадиган ҳудудий хизматларни ташкил этиш.

3. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш

1. Қўйидагиларни назарда тутадиган клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун тиббий хизматларга ҳақ тўлаш тизимини ва жон бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини босқичма-босқич жорий этиш:

худудларнинг хусусиятлари, муассасалар тури, аҳоли зичлиги ва бошқа омилларни ҳисобга олувчи тоифаланган тузатиш коэффициентларига эга молиялаштиришнинг ягона жон бошига тўғри келадиган нормативини жорий этиш ҳисобига бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ҳудудий бюджет таъминланганинг тенглаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

республика, вилоят ва туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам хизматларига клиник-харажат гуруҳлари бўйича «ҳар бир даволанган ҳолат» учун ҳақ тўлашнинг замонавий усулларига ўтиш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича тиббий хизматлар кўрсатиш учун тиббий хизматларнинг давлат ва хусусий етказиб берувчилари билан контрактлар тузиш тизимига ўтиш.

2. Асосланган стратегик қарорлар қабул қилиш, шунингдек, мажбурий тиббий суғурта дастурлари жорий этилишини қўллаб-куватлаш учун соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва далилий базани ташкил этиш мақсадида соғлиқни сақлаш ҳисобвараклари миллий тизимини яратиш.

3. Мажбурий тиббий суғурта дастурлари бўйича молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи Мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш.

4. Республиkaning барча худудларида тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш ва клиник-харажат гуруҳларини шакллантириш асосида bemорларнинг мақсадли контингентлари ва тиббий ёрдамнинг

мақсадли турлари учун мажбурий тиббий суғуртага оид маҳсус дастурларни жорий этиш.

5. Фуқароларни тиббий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда ўз соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлишга ундейдиган дастурларни жорий этиш.

6. Республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта билан тўлиқ камраб олишни босқичма-босқич таъминлаш.

4. Тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши қурашиш

1. Йирик қўп тармоқли даволаш муассасаларини, шу жумладан тор ихтисосликдаги маҳсус тиббиёт ташкилотларини (уларнинг филиалларини) бирлаштириш ҳисобига ташкил этиш орқали жойларда юқори сифатли тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини ошириш.

2. Асосий ва энг қўп учрайдиган касалликлар ва ҳолатлар бўйича исботловчи тиббиётга асосланган ҳамда халқаро стандартларга уйғунлаштирилган миллий клиник стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Хизматлар кўрсатиш технологияси, зарур кадр ресурслари, дори воситалари ва сарфлаш материаллари тавсифлашни назарда тутадиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги тиббий хизматларнинг ягона реестрини яратиш.

4. Тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларининг мақбул кетма-кетлиги ва изчиллигини таъминлайдиган беморларга йўналиш берувчи схемаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш.

5. Олий тиббий таълим муассасаларининг клиникаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, шу жумладан «таълим — амалиёт — фан» алоқаси ягоналиги принципи асосида уларни 4-даражагача модернизация қилиш.

6. Соғлиқни сақлаш амалиётига халқаро стандартларга мувофиқ кичик инвазив юқори технологик жарроҳлик аралашувларини (радиожарроҳлик, микроЖарроҳлик, роботлаштирилган жарроҳлик, шунтлаш ва бошқалар) жорий этиш, қисқа муддатли бир кунлик амбулатория жарроҳлик ёрдамини («бир кунлик жарроҳлик»ни) ривожлантириш.

7. Тиббиёт ташкилотларида индивидуал электрон қурилмалар ёрдамида қайд этилган хавф остидаги гурухга киравчи амбулатория беморларининг соғлиғи кўрсаткичлари ўзгаришига шошилинч чоралар кўриш тизимини яратиш.

8. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (қийин йўлларда юра оладиган автомобиллар, реанимобиллар ва авиация техникиси билан жиҳозлаш), шошилинч ва фавқулодда ҳолатда ҳаракатланувчи бошқа хизматлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.
9. Регенератив, шу жумладан биотиббий хужайра, аддитив ва бошқа янги технологияларга асосланган тиббиётни ривожлантириш.
10. Предиктив тиббиётни ривожлантириш (наслий мойилликнинг олдини олиш), соғлиқ ҳолатига молекуляр-генетик ташхис қўйиш, скрининг ва мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этиш.
11. Юқумли бўлмаган касалликлар ривожланиш омилларини, шу жумладан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида хавф остидаги гурухга кирадиган беморлар орасида диспансеризация ва скрининг-тадқиқотларни, патронаж ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш, реабилитация тиббиётини ривожлантириш, «ўйда стационар» хизматини кенгайтириш орқали эрта аниқлаш.
12. Катта ва кекса ёшдаги фуқароларга узоқ муддатли тиббий ёрдам кўрсатишининг замонавий моделини яратиш, уйда ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқа қатор чора-тадбирларни назарда тутувчи геронтологик ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш.
13. Жамият соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни кенг тарғиб қилиш, фуқароларда ўз саломатлиги ва атрофдагилар соғлиғи учун жавобгарлик хиссини шакллантириш, шунингдек уларнинг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш.
14. Микробга қарши чидамлилик тарқалишининг олдини олиш, шу жумладан микробга қарши терапиянинг оқилона схема ва регламентларига қатъий риоя қилиш, антибактериал терапия тайинлашда микробиология диагностикаси усулларини ривожлантириш ва кенгайтириш, антибактериал препаратларнинг янги турларини ишлаб чиқиш.

5. Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш

1. Репродуктив ёшдаги аёлларга ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини, шу жумладан қуйидагиларни ташкил этиш орқали кенгайтириш ва ошириш:

марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаларида репродуктив саломатлик ва хавфсиз оналик, пренатал диагностика кабинетлари (оналар скрининги), шунингдек, болалар бўлимлари;

болалар стационар муассасаларида тез тиббий ёрдам педиатрия бригадалари ва шошилинч постларни кенгайтириш ҳисобига болаларга кечаю кундуз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида болалар қабул бўлимлари, болалар реанимацияси ва интенсив терапия бўлимлари қабулхоналари.

2. Ирсий, генетик, бирламчи иммунитет танқислиги (орфан), тугма ва орттирилган касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини, шу жумладан туғма, сурункали касалликларга чалинган ва ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш орқали такомиллаштириш.

3. Ирсий касалликларга мойил бўлган, хавф остидаги гурухга кирадиган болаларга эрта ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш.

4. Болалар ўлими ва ногиронлигини камайтиришга қаратилган миллий лойиҳаларни, шу жумладан ўсмирларнинг жисмоний ва руҳий-ижтимоий осойишталигига кўмаклашувчи «Болалиқда учрайдиган касалликларни интеграциялашган ҳолда юритиши», «Болаларнинг жароҳат олиши ва болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиши», «Чақалоқлар саломатлиги», «Ўсмирлар саломатлиги», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Соғлом мактаб мухитини шакллантириш» дастурларини амалга ошириш.

5. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қўлланиладиган мактаб ёшидаги болаларни ўрганишнинг замонавий усуллари ва дастурларидан кенг фойдаланиш, «Мактаб ёшидаги болалар соғлиғига нисбатан хулқини текшириш» (HBSC) Европа ҳамкорлик тармоғига ҳамда Болалар семиришини эпидемиологик назорат қилиш Европа тармоғига (COSI) Ўзбекистоннинг қўшилиши.

6. Оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик, шу жумладан микрожарроҳлик ва кичик инвазив тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш.

7. «Она ва бола» йирик кўп тармоқли тиббиёт марказларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида босқичма-босқич, шу жумладан самараси паст ва тор ихтисосдаги давлат тиббиёт ташкилотларини бирлаштириш орқали ташкил этиш.

6. Хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши:

худудлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари учун амбулатория ва стационар тиббий хизматларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш;

аҳолининг эҳтиёжи катта бўлган тиббиётнинг айрим йўналишлари ривожига инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини кенг татбиқ этиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ролини кучайтириш, шунингдек, уларнинг негизида хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари юзасидан ахборот билан таъминлаш учун ягона диспетчер хизмати (Call-маркази) ташкил этиш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасига қўйидаги шаклларда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш:

хусусий тиббиёт ташкилотлари биноларини қуриш учун доимий фойдаланиш мақсадида бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий тиббиёт ташкилотлари объектлари қуриш учун бепул асосда ер участкалари тақдим этиш;

кам фойдаланиладиган ёки реконструкция қилиш ёхуд капитал таъмирлашни (қайта жиҳозлашни) талаб қиласидаган мавжуд давлат тиббиёт ташкилотларини ижарага бериш;

бино қуриш ёки реконструкция қилиш, концессия асосида жиҳозлаш учун ер участкаси ажратиш;

бўш турган давлат мулки объектларини, шу жумладан ишламаётган давлат тиббиёт ташкилотлари биноларини «ноль» харид қиймати бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилиш;

давлат тиббиёт ташкилотларининг айрим функциялари ёки хизматларини тадбиркорлик субъектларига аутсорсинг асосида ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб бериладиган бошқа шаклларда.

3. Мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг туристик салоҳиятини тубдан оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасида кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш стратегиясини ва уни амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиши.

4. Йирик давлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматларни ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда илгари суриш учун масъул бўлган маркетинг ва тиббиёт туризмини ривожлантириш, чет эл фуқароларини, шунингдек, уларга ҳамроҳ бўлган шахсларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича маҳсус таркибий тузилмалар яратиш.

5. Кириш тиббиёт туризмини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши, маданий-маърифий тадбирлар билан комплекс боғлиқ ҳолда чет эл фуқароларига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, чет эл инвестициялари, шунингдек, тиббиёт ташкилотларининг туристик инфратузилмасини ривожлантиришга халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотлар кредитлари ва грантларини жалб қилиш.

6. Етакчи илмий-амалий тиббиёт марказларининг салоҳиятини ва улар кўрсатадиган хизматларни, шу жумладан эстетика жарроҳлиги, кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология имкониятларини оммавий ахборот воситаларида PR-компаниялар, конференциялар, семинарлар ва давра сухбатлари ташкил этиш орқали кенг тарғиб қилиш.

7. Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш

1. Қуйидагиларни имконини берувчи Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини маркировкалаш ҳамда улар ҳаракатланишининг мониторингини олиб бориш ахборот тизимини жорий этиш:

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳар бир қадоғининг ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган вақтдан бошлаб истеъмолчига етиб борган вақтгача ҳаракатланишини кузатиш;

сифатсиз ва контрафакт дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларининг бутун республика бўйлаб профилактикаси ва муомаладан дарҳол олиб қўйилиши;

ижтимоий ахамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини белгилаш устидан мониторинг олиб бориш;

барча даражаларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари захиралари ва резервларини тезкор режалаштириш ва бошқариш;

истеъмолчилар томонидан мобиль илова ёрдамида харид қилинадиган (олинадиган) дори воситалари ва тиббиёт буюмлари қонунийлигини текшириш.

2. Қиммат турадиган дори терапиясини талаб қиласидиган bemorlar регистрларини шакллантириш.

3. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан қайта малакаланган иммунобиологик препаратларни жадал рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини жорий этиш.

4. Дори воситаларини, тиббиёт буюмларини ва тиббий техникани рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни халқаро талабларга уйғунлаштириш.

5. Ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаси асосида дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника учун референт нарх белгилашни босқичма-босқич жорий этиш.

6. Фармацевтика ташкилотларини сифат менежменти тизимларини ва тегишли ишлаб чиқариш амалиётини (GMP ва бошқалар) жорий этишга рағбатлантириш.

7. Амбулатория ва стационар даволашда фуқароларни таъминлаш учун бюджет маблағлари ҳисобидан қопланадиган дори воситалари рўйхатини шакллантириш услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

8. Республика ҳудудида ўсадиган доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этган ҳолда уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиши, шунингдек, ўсимлик хом ашёси асосида дори воситалари ишлаб чиқарувчи мамлакатимиз корхоналарини кенг қўллаб-қувватлаш.

9. Ихтисослашган фармацевтика эркин иқтисодий зоналари ҳудудида тайёр дори воситалари ва субстанциялар ишлаб чиқарувчи янги фармацевтика корхоналари ташкил этишга доир йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.

8. Тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш

1. Ўқитишнинг кредит-модул тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг амалий жиҳатларини ошириш орқали олий таълим ва олий ўқув юритидан кейинги таълимнинг таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш.

2. Клиник ихтисосликни эгаллаш мураккаблигидан келиб чиқиб, магистратура ва клиник ординатурода (резидентурада) юқори малакали кадрлар тайёрлаш муддатларини халқаро стандартларга мувофиқ 1 йилдан 5 йилгача этиб оптималлаштириш.

3. Хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шу жумладан уларнинг филиаллари ва факультетларини очиш, шунингдек, иккита диплом бериш тизимини жорий этиш.

4. Таълим дастурларини амалга оширишда тармоқ ҳамкорлиги ва очиқ курслардан фойдаланиш орқали хорижий университетлар ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига таълим имкониятларини кенгайтириш, шунингдек

тиббий таълимнинг электрон миллий платформаларини ишлаб чиқиш ва электрон таълим мухитини шакллантириш.

5. Илғор илмий ишланмалар ва технологияларни соғлиқни сақлаш амалиётига интеграция қилишда тиббиёт олий таълим муассасалари клиникалари ва ўкув базаларининг ролини кучайтириш.

6. Юқори малакали кадрлар тайёрлашда, уларни даволаш-ташхис қўйиш жараёнида иштирок этганлиги учун моддий рағбатлантириш йўли билан янги илмий ишланмалар ва технологияларни жорий этишда тиббиёт олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар профессор-ўқитувчилари ролини ошириш.

7. Қўйидагиларни жорий этиш орқали таълим узлуксизлигини таъминловчи тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш:

ўқитишининг балл (жамғариб бориш) тизими;

муаммога йўналтирилган модул ўкув дастурлари;

масофавий ўқитиши дастурлари;

узлуксиз тиббий таълимни ташкил этишда кўмаклашиш учун интерактив портал.

8. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар, шу жумладан GCP (Good clinical practice) стандарти бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш) асосида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш тизими самарадорлигини ошириш.

9. Тиббиёт таълим муассасаларида ўқитиши тўлдирилган ва виртуал реаллик шароитида, тиббий тренажёр ва манекенларда олиб бориладиган симуляцион марказларни ташкил этиш.

10. Тиббиёт илмий ва таълим муассасаларининг базавий ҳамда дастурий-мақсадли молиялаштирилишини, инновацион ишланмалар ва технологиялар трансферини амалга ошириш учун тиббиёт ва илмий жамоаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашни таъминлаш, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш.

11. Олий тиббиёт ўкув муассасалари тиббий-профилактик йўналиши кафедраларининг таълим дастурлари тан олинган халқаро ташкилотлар, шу жумладан Европа минтақасида жамоат соғлиғини сақлаш мактаби уюшмаси (ASPER — The Association of Schools of Public Health in the European Region) томонидан аккредитация қилинишини таъминлаш.

9. Ахборот-коммуникация технологиялари ва «электрон соғлиқни сақлаш»ни кенг жорий этиш

1. Қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари мажмуини ташкил этиш:

а) аҳоли учун:

тиббиёт ташкилотлари ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар тўғрисида ахборот олиш;

шифокорлар малакаси, иш стажи, қабул вақти хақида ахборот олиш, шунингдек, «электрон навбат», шу жумладан масофадан навбатни банд қилиб қўйиш имкониятини ташкил этиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини, шу жумладан тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш;

мобиль иловалар орқали тизимдан фойдаланиш;

б) тиббиёт ташкилотлари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари:

муассасани ривожланишнинг инновацион ижтимоий йўналтирилган типига айлантириш;

соғлиқни сақлаш соҳасида стандартлаштириш тизимини амалга ошириш;

электрон ҳужжат билан ишлашни жорий этиш орқали иш жараёнини оптималлаштириш (тиббиёт карталари ва касалликлар тарихларини тўлдириш, «электрон рецептлар» бериш);

тиббиёт ходимлари, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника, сарфлаш материаллари ҳисобини ва мониторингини юритиш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам дастурлари бўйича молиявий операциялар амалга ошириш ва мониторингини юритиш, тиббиёт ташкилотларининг бўлажак харажатларини баҳолаш, шунингдек эҳтимоли бўлган хатарларни таҳлил қилиш;

тиббий статистика, ҳисоб ва ҳисобот юритиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш миллий ҳисобвараклари тизимини қўллаб-куватлаш;

бошқа тиббиёт ташкилотлари ахборот тизимлари билан интеграциялаш ва ахборот алмашиш;

2. Тиббиёт ташкилотлари иш кўрсаткичлари ва тармоқнинг ривожланиш ҳолатини мониторинг қилишнинг асосий механизми сифатида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

3. Тиббиёт ташкилотлари ўртасида ахборот алмашиш ҳамда масофавий тиббий ва таълим хизматларини (маслаҳатлашувлар, консилиумлар, операциялар, мастер-класслар ва ҳоказолар) ўтказиш учун телетиббиётни ривожлантириш.

IV. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепцияни амалга ошириш натижасида қуйидагилар кутилмоқда:

барқарор тараққиёт соҳасида миллий мақсадлар ва вазифаларга эришиш;

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа нуфузли ҳалқаро ташкилотлар стандартлари ва тавсияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, Ҳалқаро тиббий-санитария қоидаларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш хизматлари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, малакали, ихтисослаштирилган ва юқори технологик тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш;

давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш;

レスпублика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта дастурлари билан босқичма-босқич қамраб олиш;

соғлиқни сақлашни молиялаштиришни ошириш, тиббий хизматлар кўрсатишда бюджетдан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига муносиб ҳақ тўланишини таъминлаш;

レスпублика худудларини тиббиёт ва фармацевтика кадрлари билан тўлиқ ҳамда тенг ҳажмда таъминлашга эришиш;

жамият соғлиқни сақлаш тизими ва фуқаролар соғлигини сақлаш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш;

аҳолига реабилитация ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш;

умр кўришни 75 ёшгача ошириш;

оналар ўлими кўрсаткичини 15 фоизга камайтириш;

чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини 30 фоизга камайтириш; аҳоли орасида юрак-томир, онкология касалликлари, қандли диабет ва сурункали нафас йўллари касалликларидан бевақт ўлишни 15 фоизга камайтириш;

аҳолининг сил, ОИВ, гепатит ва бошқа юқумли касалликларга чалиниш даражасини камайтириш

V.КЕЙСЛАР БАНКИ

1-амалий машғулот: Инсон организмига атроф муҳит омилларининг таъсири. Хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларини текшириш усуллари.

1.Кичик гурухлар билаш усули гурухдаги тингловчиларни 4 кичик гурухга бўлишни кўзда тутади (3 тадан тингловчи), хар бир кичик гурух мавзуни муҳокамаси ва ўқитувчи томонидан асбоблар билан танишириш ва ишлаш тартиби бўйича тушунтириши тугагандан сўнг шахсий топшириқларни оладилар:

-1 кичик гурух – хонадаги инсоляцион тартибни аниқлаш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-2 кичик гурух – ўқув аудиториясидаги ЁК ўлчаш ва унга баҳо бериш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-3 кичик гурух – ўқув аудиторияси мисолида ТЁК ўлчаш ва баҳолаш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

-4 кичик гурух – ўқув аудиторисидаги иккита ишчи нуқтасида ёруғликнинг тушиш бурчагини аниқлашни бажариш (1-чи ва 2-чи қатордаги иш жойлари)

Кичик гурухларда амалий ишлар якунлангандан сўнг, ҳарбир гурухча ўзларининг текшириш натижаларини тақдим этадилар – текшириш натижалари ва хисоблаш натижаларининг баённомасини ўқийдилар. Сўнгра гурухдаги ҳамма тингловчилар барча текшириш натижаларини ўз дафтарларига ёзиб оладилар ва кейин ўқитувчининг маслаҳати билан олинган натижаларга баҳо берадилар (ўқув аудиторияси учун табиий ёритилганлик кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари)

Сунъий ёритилганлик бир қанча омилларга боғлиқ бўлади: хонанинг катталиги (ўлчамлари), фойдаланиладиган чироқларнинг табиати, қуввати ва сонига, уларнинг созлиги, осилиш баландлиги, тозалиги, арматураларнинг тури, хонадаги юзаларнинг нурни қайтариш хусусиятига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг сунъий ёритилиш ҳолатини баҳолашда биринчи навбатда юқоридаги ҳамма омилларни тавсифлаш керак бўлади.

Ёритилиш даражасини ва унинг хона бўлаб бир текис тарқалишини баҳолаш учун ўлчашлар хонада кам деганда 3-5 нуқтада амалга оширилиши керак (хонанинг катталигига боғлиқ ҳолда). Ўртача қиймат ёритилишнинг ўртача даражасини, турли нуқталардаги ёртилиш фарқларининг қиймати эса, ёртилишнинг бир текис тарқалишини таърифлайди. Ёритилганликни ўлчаш учун люксметр асбобидан фойдаланилади.

Бундан ташқари хоналардаги сунъий ёритилганлик қиймати хисоблаш усули билан ҳам аниқланиши мумкин. Аввал хонага қўйилган ва ишлаш

ҳолатидаги чироқларнинг йифинди қуввати хисобланади (А.Вт) ва йифинди қувватни хона майдонига бўлиш орқали, солиштирма қувват хисоблаб топилади (Б, Вт/кв.м). Кейин жадвал бўйича (Амал. машғулотларга кўлланма, Г.И.Румянцев, 88 бет, 13 жадвал) 10 Вт/кв.м (100 люкс) энергия сарфлайдиган турли турдаги ёритгичлар яратадиган ёритилиш қиймати топилади. Ёритилганликнинг яқинлаштирилган қиймати (Х) кўйидаги формула ёрдамида хисобланади:

$$X = (B \times C) : 10 \text{ люкс}$$

Хисоблаш учун мисол: 36 м^2 майдонга эга бўлган хонада 3 та лампа иш ҳолатида бўлиб, улар 100 Вт ли чўғланувчи лампалардир. Лампаларнинг йифинди қуввати $3 \times 100 = 300$ Вт ни, солиштирма қувват эса $300 : 36 = 8,3$ Вт / кв.м ташкил қиласи. 13 -чи жадвал бўйича тўғри тушувчи ёргулик учун (чўғланувчи лампалар) 10 Вт/кв.м 42 люкс га жадалликка эга бўлган ёруғлик оқимини яратишини топамиз. Демак, хонадаги таҳминий ёритилиш даражаси қўйидагини ташкил қиласи:

$$X = (8,3 \times 42) : 10 = 35 \text{ люкс}$$

Турар-жой бинолари, жамоат жойлари, болалар ва даволаш муассасаларини лойиҳалашда, ҳамда касалхонадаги функционал хоналардаги ёритилиш даражаси етарлича бўлмаган ҳолатларда, ёритилганликнинг гигиеник меёрларини таъминлаш мақсадида хона учун талаб этиладиган лампалар сонини хисоблаш зарурияти юзага келади. Бундай хисоблашни бажариш учун биринчи навбатда жадвал бўйича (Пивоваров Ю.П., 110 бет, 36 жадвал) лампанинг тури, осилиш баландлиги, хонанинг катталиги ва талаб этиладиган ёритилиш даражасини хисобга олган ҳолда кера бўладиган солиштирма қувват аниқланади. Топилган солиштирма қувватни хона майдонига кўпайтириш орқали талаб этилган йифинди қувват топилади. Топилган қийматни битта лампанинг қуватига бўлиш орқали талаб этиган чироқлар сони топилади.

Хисоблаш учун мисол: Боғлов хонасининг баландлиги 3 м ва майдони 30 кв.м, ишчи юзадаги ёритилиш даражаси 100 люксни ташкил этиш учун хонани чўғланма лампалар билан ёритиш лозим (100 Вт ли лампалар). Жадвал бўйича берилган шароит учун солиштирма қувват 31 Вт/кв.м эканлигини топамиз. Зарур бўлган солиштирма қувват = $31 \times 30 = 930$ Вт. Чўғланма лампаларнинг талаб этилагн сони: $930 : 100 = 9$ лампа бўлади.

Кичик гурухлар билан ишлаш гуруҳдаги тингловчиларни 3 гурухчага (хар гуруҳчада 4 та тингловчи) бўлишни кўзда тутади ва машғулот мавзусини тўлиқ муҳокамаси, асбоблар ва жиҳозлар билан танишиш ва ўқитувчининг кўрсатмаларидан сўнг ҳарбир гурухча алоҳида топшириқ олади.

-1 гурухча – хоналарни сунъий ёритиш учун фойдаланиладиган ёритиш асбобларининг турини тавсифлаб бериш (ўқув аудиторияси мисолида)

-2 гурухча – ўқув аудиториясининг 3 тадан кам бўлмаган нуқтасида сунъий ёритилганлик даражасини ўлчашни ўтказиш, текшириш баённомасини расмийлаштириш

Фаолият кетма-кетлиги:

-фильтри фотоэлементни тайёрлаш x10

-иш жойларида кам деганда уч нуқтада ёритилиш даражасини кетма-кет ўлчаш (сунъий ёритилишнинг ёқилган қв ўчирилган вақтада)

-ҳарбир нуқтада иккита ўлчаш ўртасидаги фарқни аниқлаш

-хисоблаш ва ёритилганликнинг ўртача даражасини баҳолаш

-ёритилишнинг бир текис тарқалганлигини баҳолаш

-3 гурухча – ўқув аудиторияси учун керак бўладиган ёритгичлар сонини хисоблашни бажариш

Фаолият кетма-кетлиги:

-жадвал бўйича чўғлатма чироқлар учун гигиеник меёрни (100лк), ҳонанинг ҳажми ва унинг баландлигини хисобга олиб керак бўлган солишиштирма қувватни жадвал бўйича аниқлаш

-керак бўладиган умумий қувватни хисоблаш

-100 вт бўйича керак бўладиган чироқлар сонини хисоблаш

Кичик гурухларда иш тутатилгандан сўнг, ҳарбир кичик гурух ўзининг иш натижаларини баённомаси ва бажарилган хисоблаш бўйича доклад қиласди. Кейин ҳамма тадабалар бошқа гурухчалар бажарган иш натижаларини ҳам умумлаштириб умумий баённома ёзадилар (ўқув аудиториясининг сунъий ёритилиш кўрсаткичларининг гигиеник меъёрлари) олинган натижалар баҳоланади.

2-амалий машғулот: Аҳолининг тўғри овқатланиш масалалари

Машғулотнинг амалий қисми 2-та кичик гурухлар билан ишлаш орқали ўтказилади ва уларнинг ҳарбири алоҳида топшириқ оладилар:

1КГ – тавсия этилган сут намунасининг органолептик ва айрим физико-кимёвий текширишларини ўтказиш (ранги, ҳиди, консистенцияси, зичлиги, нордонлиги, аралашмаларнинг бор-йўқлиги – сода, крахмал)

2КГ – тавсия этилган гўшт намунасини қўйидаги кўрсаткичлар бўйича текширишдан ўтказиш: ранги, ҳиди, консистенцияси, аммиакнинг борлиги, гельминтларнинг борлиги

Сутнинг тўла сифатлилигини баҳолаш унинг органолептик, физикавий, кимёвий ва микробиологик кўрсаткичларини текшириш орқали амалга оширилади.

Сутнинг органолептик хоссаларига ранги, ҳиди, консистенцияси, таъми киради. Тўла сифатли сутнинг ранги оўй, бироз сарғиш тусли, ёқимли сут ҳиди, суюқ (аммо сув каби суюқ эмас) консистенцияли, ёқимди ва енгил хушбўй ҳидга эга бўлади.

Физикавий кўрсаткичларига унинг зичлиги (солиширма оғирлиги), ёғнинг миқдори ва механик аралашмаларини киритиш мумкин.

Кимёвий сифат кўрсаткичларига унинг янгилиги ва табиийлиги, ҳамда сутнинг қалбакилаштириш мақсадида қўшилиши мумкин бўлган кимёвий аралашмалари киради (сода, крахмал).

Сутнинг микробиологик кўрсаткичларига микрофлораларнинг миқдори ва уларнинг табиатини киритиш мумкин.

Сутнинг юқорида баён этилган кўрсаткичларини текширишда кўлланадиган асосий усуллар жадвалда келтирилган:

Кўрсаткичлар	Аниқлаш усули	Гиг.меёри
Зичлиги (солиширма оғирлик)	Лактоденсиметр ёрдамида	1,028-1,034 20°C хароратда
Зичлиги паст – суюлтирилган сут, юқори зичлик –сутнинг ёғи олинган		
Ёғнинг миқдори (%)	Бутирометр ёрдамида	2,8-3,7%
Механик аралашмаларнинг борлиги	Тоза дока орқали сузиш ва кейин докали фильтрни кўриш	Механик аралашмалар бўлмаслиги керак
Сутнинг янгилиги:		

А)нордонлиги	0,1н NaOH билан титрлаш усули	18-24 ⁰ Тернера
Б)чириш намунаси	Кайнатиш	Чириши мүмкин эмас
Сода аралашмаси	Розол кислота билан сифат реакцияси	Розол кислота билан сариқ ранг
Крахмал аралашмаси	Крахмалга сифат реакцияси	Сариқ ранг
Бактериологик кўрсаткичлар	Овқатли муҳитларга экиш, микроскопик текшириш	Патоген флоралар бўлмаслиги керак

Гўштнинг тўла сифатлиигини баҳолаш қўйидаги кўрсаткичлар орқали амалга оширилади: органолептик (ранги, ҳиди, консистенцияси, шўрвасининг таъми), кимёвий (аммиак, водород сульфид, т кислоталари), микробиологик (гельминтларнинг борлиги). Гўшт кўрсаткичларини баҳолаш 25 балли тизимда амалга оширилади, яъни агар гўштнинг йифинди баллари 21-25 ни ташкил қилса, гўшт янги, 10-20 балл бўлса – янгилиги шубҳали, ё 10 баллдан паст бўлса – гўшт янги эмас:

Кўрсаткичлар	Текшириш усуллари	Кўрсаткичларни баҳолаш
Органолептик: -ранги -консистенцияси -ҳиди	Визуал Бармоқ билан босиш Қиздирилган пичоқ намунаси	Оғиш бўлса: -рангида - 2 дан 5 баллгача чегириш; консистенциясида – 2 дан 5 баллгача чегириш; ҳидда-2 дан 7 баллгача
Кимёвий: -учувчи ёғ кислоталарининг борлиги -аммиакли азотнинг борлиги	Мис сульфат намунаси Несселер реактиви билан ижобий	Бор бўлса 4 балл чегириш Бор бўлса – 2 балл чегириш
Микробиологик: финна ва трихи-неллаларнинг борлиги	Эзилган препаратларни микроскопдв кўриш	Бор бўлса – 2 балл чегириш

Кичик гурӯҳларда иш тугагандан сўнг, ҳарбир гурӯҳ ўз ишининг натижасини тақдим этади – текшириш баённомалари ўқилади. Ҳамма текшириш натижаларини жамлаб якуний баённомани тузиш, сўнгра ўқитувчи маслаҳати ёрдамида олинган натижалар баҳоланади

3-амалий машғулот: Болалар ва ўсмирлар гигиенасининг ўзига хос муаммолари. Болалар ва ўсмирларниң жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолашнинг методологик асослари.

1.3-4 та тингловчидаги жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари аниқланади (бўйи, вазни, кўкрак қафасининг айланаси, мушаклар кучи, ЎТС –ўпканинг тириклик сифими)

2.2-3 та боланинг жисмоний ривожланишини баҳолашни ўтказиш (вазиятли масалалар) регрессия шкаласи бўйича

Қадамба-қадам харакат алгоритми:

- берилган вазиятли масалага мувофиқ шу ёш, жинс, миллат ва яшаш жойи учун регрессия шкаласи кўрсатиш
- бўй кўрсаткичи бўйича ривожланиш даражасини аниқлаш
- тана вазни ва КҚА қийматларини аниқлаш, ҳамда шу бўйга мувофиқ « $\pm\delta$ » қийматини топиш
- тана вазни ва КҚА учун шахсий сигмали оғишни хисоблаш
- хисоблаб топилга оғиш қийматларига боғлиқ ҳолда ривожланишнинг гармоник эканлигини баҳолаш

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги	аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш мухити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун кулай шарт-шароитлар таъминланади;	a sanitary and epidemiological welfare of the population is the state of health of the population, in which there is no adverse impact of environmental factors on human and provided favorable conditions for its life;
давлат санитария назорати	аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;	a state sanitary supervision is activity on warning, exposure and removal of violations of legislation about sanitary-epidemiology prosperity of population;
инсоннинг яшаш мухити	инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ҳодисалар ва атроф-мухит омиллари мажмуи;	a human environment is a collection of objects, phenomena and environmental factors determining human living conditions;
санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар	юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурӣ, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;	a sanitary-hygienic and anti-epidemic measures are organizational, administrative, engineering, health and other measures aimed at preventing the emergence and spread of infectious and parasitic diseases and their elimination;
санитария-эпидемиологик вазият	аҳоли яшаётган мухитининг ва соғлиғининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;	a sanitary-epidemiological situation is the state of the environment and the health of the population in a certain area at the

		specified time;
санитария-эпидемиология хизмати	аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, ортирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавфли инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;	a sanitary and epidemiological service is a single system, which includes the centers of state sanitary and epidemiological supervision centers for the fight against acquired immunodeficiency syndrome (AIDS), disinfection stations, centers of plague prevention, quarantine and especially dangerous infections, research institutions operating in the sanitary and epidemiological welfare of the population
чекловчи тадбирлар (карантин)	юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, аҳоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар ҳаракатланишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;	restrictive measures (quarantine) - administrative, health and other measures aimed at preventing the spread of infectious and parasitic diseases, providing a special regime of economic and other activities, the restriction of movement of people, vehicles, cargoes and (or) goods;
юқумли ва паразитар касалликлар	инсонга у яшаётган мухитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари	infectious and parasitic diseases - human diseases, the occurrence and distribution of which is caused by human exposure to biological environmental factors and the possibility of

		disease transmission from an infected person or animal to a healthy person.
Гигиеник меъёрлар	доимо таъсир кўрсатувчи ва инсон учун керакли омиллар	Hygienic norm - as a rule, are permanent and necessary for human factors.
гигиеник коидалар	табиятда бор бўлган у ёки бу омилга бўлган гигиеник талабларнинг оғзаки таърифи	Hygiene rules - a verbal (verbal) description of hygienic requirements to a particular factor
гигиеник регламентлар	одам организмига негатив таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ўрнатиладиган меъёрлар	Hygienic reglament- are among the factors that can have a negative effect on the body.
Овқат рациони	овқат махсулотларининг таркиби ва микдори	Diet - the number and composition of the food products that are part of the daily human diet
оқилона овқатланиш	физиологик овқатланиш меъёрлари	Proper nutrition - it is a diet that provides the body's need for nutrients and energy, promotes harmonious development, the preservation of high efficiency and the body's resistance, prolongs the active period and the duration of human life.
овқатланишининг физиологик меъёрлари	овқат моддалар ва энергия микдорилари бўлиб, организмнинг ёши, жинси, меҳнат фаолиятининг турига мувофиқ организмнинг физиологик эҳтиёжини қондиради	Physiological norm of power - is the amount of nutrients and energy, designed to meet the physiological needs of the body, depending on the age, sex, nature of work.

алиментар касалликлар	овқатланишнинг физиологик меъёрларини бажармаслик, ҳамда бошқа гигеник талабларга риоя қилмаслик натижасида ривожланган касалликлар	Nutritional Meals disease population that does not match the requirements of a balanced diet, and leads to more widespread diseases, directly or indirectly related to food quality
Мехнат гигиенаси	ишлаб чиқариш муҳитида бўладиган заарли омилларнинг ишчилар организмига таъсир этиш хусусиятларини ўрганиб, унинг асосида ишчилар ўртасида кузатиладиган касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва ҳаётга тадбиқ қиласди	Occupational Hygiene - the science that studies the influence of harmful factors of environment on the body work and develop on this basis, measures aimed at the prevention of diseases of workers, their exhaustion and fatigue, increase in labor productivity.
тиббий- санитария кисми	ишчи ва хизматчиларга малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-хизмат кўрсатиш, ҳамда профилактик тадбирларни амалга оширади	Medical care part - has qualified and specialized medical care work, and also carries out preventive measures
ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар	ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар	Factors of production environment - a set of production factors, which may be either indifferent to the body working and have a negative impact on it.
касб касалликлари	ишлаб чиқариш муҳитидаги омиллар таъсирида келиб чиқадиган касалликлар	Occupational diseases - a disease that develops due to the impact specific to the work of the working conditions of factors
Болалар ва ўсмирлар	ўсувчи организмга атроф мухитда бор бўлган турли	Hygiene of children and adolescents - is studying

гигиенаси	омилларнинг таъсирини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида болалар ва ўсмирлар организмига мослаштирилган ҳолда илмий асосланган гигиеник нормативларни, тавсияларни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиб ҳаётга тадбиқ қиласди	the impact of the growing body of environmental factors and developing hygiene guidelines and recreational activities for children and teenagers.
акселерация	Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг олдинги авлод болаларидағи ривожланиш кўрсаткичларига қараганда тезлашиши	Akseleration- process more rapid physical development and its higher performance in contemporary generations compared with previous generations
соғлом турмуш тарзи	атроф мұхитда бор бўлган барча омилларнинг организмга таъсир этиш мүмкінлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш, ва ана шу омиллардан ўзининг саломатлиги учун фойда келтирадиган томонларидан самарали фойдалана олиши	Healthy human life- is a skill that is the ability to perform specific actions (or vice versa, to refuse to perform any), are aimed at preserving and improving the health and disease prevention
Психигигиена	инсонларнинг рухий саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган	Psychohygiene - the science of preservation and promotion of mental health, the prevention of the emergence and development of mental illness
Касалланиш	аҳоли орасида ёки унинг айrim гурухлари ичида тарқалган касалликлар.	diseases which prevalence among population or in some groups of one's
Хавф омиллари	инсон саломатлигига хавф туғдирувчи, касалликларни келиб чиқишига, ривожланишига, ёмон	a risk factor is any attribute, characteristic or exposure of an individual that increases

	<p>оқибатларга олиб келувчи - биологик, генетик экологик, тиббий-ижтимоий ҳарактерга эга бўлган, ташқи муҳит, ишлаб чиқариш шароити, турмуш тарзи билан боғлиқ омиллар гурӯҳидир.</p>	<p>the likelihood of developing a disease or injury. Some examples of the more important risk factors are underweight, unsafe sex, high blood pressure, tobacco and alcohol consumption, and unsafe water, sanitation and hygiene.</p>
PubMed	<p>бу электрон қидирав системаси NLM да ишлаб чиқилган. PubMed ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - MEDLINE (медлайн) - PreMEDLINE - Нашриётлар баёни. 	<p>this electronic search system was developed in the National Library of Medicine (NLM). PubMed includes:</p> <ul style="list-style-type: none"> - MEDLINE - PreMEDLINE - Description of publications
MEDLINE	<p>тиббиёт маълумотларининг базаси, у 1960-йилдан бошлаб 22 миллиондан ортиқ бутун дунё бўйича тиббий маълумотлар нашрларининг библиографик баёнларини ўз ичига олади. Ҳозирда MEDLINE белул интернетдан маълумот қидиришга ёрдам беради.</p>	<p><u>MEDLINE</u> is the National Library of Medicine (NLM) journal citation database. Started in the 1960s, it now provides more than 22 million references to biomedical and life sciences journal articles back to 1946. MEDLINE includes citations from more than 5,600 scholarly journals published around the world.</p>

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008
8. Каримов.И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. КаримовИ.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш остонасида. Т.: Ўзбекистон, - 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.:Ўзбекистон, 2015.

II. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
14. "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

Махсус адабиётлар:

1.“Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги 393 сонли Қонуни (ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 34-сон, 451-модда) -18б.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини ва уни малакали кадрлар билан таъминланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2015 йил 26 июндаги 170-сонли Қарори.

3.Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.

4. Umumiy gigiyena bilan ekologiya. Amaliy mashg`ulotlar uchun o`quv qo`llanma. L.A.Ponomareva, E.K. Kazakov, L.K. Abduqodirova, B.E.Tuhtarov, I.K.Dravskix, S.A.Sharipova, X.A.Sadullaeva. - T.,2011.

5.Environmental health Dade W. Moeller Third Edition Harvard University Press Cambridge, Massachusetts London, England, 2005

6. ЎзР СанҚвам лари (2005 - 2015 йиллар)

Қўшимча адабиётлар:

- 1.Мельниченко П.И., Архангельский В.И., Козлова Т.А. ва б. “Гигиена с основами экологии человека”, Дарслик. М., 2009. -752б.
2. Румянцев Г.И., Прохоров Н.И., Новиков С.М. ва б. “Гигиена” Учебник для ВУЗов, М., 2009.- 608б.
- 3.Большаков А.М. “Общая гигиена” М. 2009, -736 б
4. Кича Д. И., Дрожжина Н. А., Фомина А. В. “Общая гигиена руководство к лабораторным занятиям”. 2009.-288 б.
5. Демиденко Н.М. таҳрири остида. “Гигиена” Т.2004. -615б.
6. Камилова Р.Т. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун регрессия шкаласи. Т., 1998, -75б.
7. Камилова Р.Т. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун центил шкаласи. Т., 1998, -50б.

Интернет ресурслар

1. [www.minzdrav.uz;](http://www.minzdrav.uz)
2. www.tma.uz
3. [www.Ziyonet;](http://www.Ziyonet)
4. [www.hygiene.uz;](http://www.hygiene.uz)